

# ТОНГ ЮДАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсминаларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 102-103 (6942-6943)  
1998 йил 29 декабрь, сешанба

Сотувда эркин  
нархда

## ЖУШКЕЛДИНГ 1998 ЙИЛ



Янги йил, Яхши йил,  
Яхши-да жуда!  
Чунки бир ёшга  
Ўсдинг, Мавжуда.

Энди тилинг ҳам  
Бурролашади.  
Бўйинг ҳам ўсиб  
Ақлинг ошади.

Үнг қўл, чап қўлни,  
Ажратоласан.  
Ойинг не деса  
Илғаб оласан.

Янги йил, Яхши йил,  
Яхши-да жуда!  
Ўсиш, улғайиш  
Давринг авжида.

Катта боладан  
Талаб ҳам катта.  
Ёшингга лойик  
Бўлгин, албатта.

Ёшингга ёш кўшар  
Байрам кўп бўлсин.  
Совғалар улашар  
Айём кўп бўлсин!

УМИДА

## БУВИЖОННИМ «БИЗНИНГ БИЙИМИЗ»

Гавҳар бувимни қишлоғимиздаги катта-ю, кичик «Бизни бийимиз» дейишади. Бунинг сабабини энди билиб олдим. Бувим қишлоғимизнинг биринч акушер-шифокори, эканлар. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир 45—50 ёшга кирган амакилар, холалар ҳам «Мен туғилганда Гавҳар дўхтири доялик қилганлар» дейишади. Демак, бувим қариб 50 йилдан бўён шифо-

корлик касбини эъзозлаб бутун қишлоқга доя бўлганлар. Ҳозир нафақадалар. Этти ўғил, уч қизнинг меҳрибон ойижониси, 50 нафарга яқин невара ва эвараларнинг бувижониси Гавҳар Абдулла қизи ҳамманинг бувиси. Бугун бизнинг Майманоқ қишлоғимизда 15 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон бувижоним учун қадр-

дон. Яқинда бувижонимнинг невара шогирдлари, Лобар опам ва Гулноза опам «Гавҳар бийим уч авлоднинг дояси» деб таърифладилар.

Мана, Аёллар йили деб эълон қилинган Янги йил ҳам яқинлашиб қолди. Барча фарзандлари ва неваралариномидан Гавҳар бувимни, шунингдек отажонимни, онажоним Манзурахонни, опаларим Феруза, Мадина, Адібалар-

ни муаллимлар ва синдошларимни ҳам чин дилдан табриклиман. Доимо соғ-омон бўлинглар, юзларингиздан табассум аримасин, дейман.

Шукурилло АЙЗОВ,  
Касби туманидаги  
14-мактабнинг  
3-синф  
ўқувчиси.

Кувончларга тўлди дил,  
Куёш каби кулди дил,  
Тошган дарё бўлди дил,  
Сен келганда янги йил!

Улгайишга шошдик биз,  
Яна бир ёш ошдик биз,  
Багримизни очдик биз,  
Сен келганда янги йил!

Безатилган арчамиз  
Севинтириди барчамиз,  
Куйлаймиз, рақс тушамиз,  
Сен келганда янги йил!

Қорбобо, Қорқиз — меҳмон,  
Совғалари кўп чунон,  
Биз билаш сен ҳам қувон,  
Келганингда янги йил!

Туроб НИЁЗ.

### Янги йил тухфаси

Республика меҳрибонлик уйларида тарбияланадиган ўтилқизлар учун ҳар йили утказилаётган Президент арчаси шодиёналарини ташкил этиш билан бу йил республика «Маҳалла» жамғармаси шуғулланмоқда. Жамғарма булимлари ўгуна кунгача томоша иштироқчиларини номма-ном ҳисобга олдилар, етарли миқдорда совғалар тайёрладилар.

Энг катта арча Тошкентдаги «Туркестон» саройига ўрнатилиди. 29 декабрь куни Янги йил кечасида болаларга республиканинг энг таниқли сањаткорлари хизмат қилишиади. 2, 3, 4, 5 январь кунлари болалар «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг маданий-ахборот марказига таклиф қилинадилар.

— Вилоятлардаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам Президент совға-саломларини олишиади, — дейди Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов. — Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари болалари учун худди Тошкентдаги каби томоша дастури намойиш этилади. Қорақалпоғистон ва мамлакатнинг бошқа вилоятларига «Ўзбекистон ҳаво йўлари» Миллий авиакомпанияси ёрдамида совға-саломларни етказамиз. Жамғармамизнинг худудий булимлари фаоллари бу ишларнинг асосий ташкилотчилари булишиади.

Президент арчаси томошаларининг ҳар бир иштироқчи сига Юрбошимизнинг эзгу истаклари битилган табрикномаси тоширилади.

А. САТТОРОВ.

## ИСММИ БУ ЁКИ ТАХАЛЛУС?

Синфимизда Зилола исмли қызы үкійди. Уни ҳамма Зуля деб чақиради. Тұғриғоли, узи шундай қақиришимизни хоҳлады. Нима эмиш, чиройли эшитилар эмиш. Ахир ота-онаси Зилола деган исмни фарзандлари покиза, ҳалол ва зилол сувдек, озода бұлишиниң истағ құйған эмасларми? Битта Зилолага эмас, балки баъзи бир узина «Модный» күрсатадын қызларга мана шунақа қандайдыр. Зуля, Гулямией?, деб қақиришлар өқади. Менимча, бу жуда жатта хато. Нимага әнді үз исмимизни ота-онамиз күпни күрган буви-боболаримиз құйған исмларни бундай «Хорижий» тахаллусларга алмаштиришимиз керак?

**Лобар АБДУАЗИМОВА,**  
Тошкент шаҳар,  
Юнусобод туманиндағы  
273-лицея мектаб ўкувчиси.

## ҮСМА ҚҰЙСАМ МАЙЛИМИ?

Бұвым үсма құйишиңи жуда яхши күрадилар. Қишин-әзин қошларидан үсма аримайды. «Қош яхши ишларигдан гулохник беради», — деділар. Ҳар сағар үсма қүяёттәнларидан менин ҳам «Қошинг сұв ичади, сен ҳам құйиб ол», — деб қистайдылар. Қақалоқтегимдә үйқуси учіб кетади, деб үсма құймаган эканлару, аммо бир ёшта тұлған күнімден бошлаб узлар құйғанларидан менинг қошшыға сурқашни қанда құлмас экандар.

Бир куни мектабға муаллимама менин үсма құйғаним учун барча синф дошларим олдиді «Пардоғчи қыз» деб роса үлтірділар: Нима үсма құйиши ҳам пардоға кирадым? Ахир ҳалқ табобатыда ҳам қадимдан үсма фойдалы саналған эмасми? Үсма күзға құйғанда күзни равшанлаштыради. Түрли замбуруғлы қасалларның көлтириб чикаруғын микробларни үлдіради. Бошқа «хна» билан арашып көрді, қазоқни йүктиб, соч толаларни мустаҳкамлайды. Шундай экан муалимама опа, үсма құйсам майлами?

**Гүлноза МАҚСУДОВА,**  
Тошкент виләти, Тошкент  
туманиндағы 25-мектаб  
щукучиси.

## БАХТ НИМА?

БАХТ сүзининг маъносини чуқур үйлаб күрганмисиз? Агар үйлаб күрмаган бўлсангиз, эшитинг.

Бахт — бу кўринмас нарса туйғу бўлиб, уни ушлаб ёки кўриб бўлмайди. Бахт ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Кишилар бахтга қандай эришадилар, деган савол туғилади. Бунга шундай жавоб бериш лозим: Энг катта бахт — бу соғлиқдир. Биз эса ота-онамиз бахтимизга соғ-омон юрганликларидан, аъло ўқиётганимиздан ва мустақил Ўзбекистоннинг фарзанди эканлигимиздан бахтлимиз.

Мана, кўриб турибсизки, чет элларда урушлар бўлайти. Уердаги кишилар азоб чекаяпти. Уларни бахтсиз деб аташ мумкин. Чунки, уларнинг Она ватанлари вайрон бўлайти.

Бизнинг Ўзбекистонимиз доимо гуллаб, яшнайверсин. Биз ҳам шу Она диёримизда бахтиёр кун кечираильик. Бахтимизга юртбoshимиз соғ-омон ва умрлари узоқ бўлсин!

**Наргизхон АХМЕДОВА,**  
Фарғона виләти, Яйпан шаҳриндағы 9-мектаб  
щукучиси.

## МАЗРАГАН АРИҒИДАН СУВ ИЧТИМ КЕЛАДИ

Бизнинг қишлоғимиз жуда гүзәл ва чиройли. Барча қишлоқтар каби ҳавоси тоза. Қишлоғимизнинг ўртасидан Мазраган ариғи оқиб үтади. Лекин айрим вијдонсиз кишилар шу ариққа ҳар хил ахлатлар ташлашади. Бунинг натижаси эса ўзингизга маълум. Янги курилаётган биноларнинг олдидаги ахлатхоналар қишлоғимизнинг четига күчирилган. Лекин, «ўрганган күнгил, ўртанса қўймас», деганларидек, яна ўша ерга ахлатларни ташлашни бошлашди. Қишлоғимиз фаолларининг «ариққа

ахлат ташламанг, маҳсус ахлат түқадиган жойларга ташланглар», — дейишилариға қарамай, улар ариқ сувини ифлослаңтиришашапти. Ариқ сувининг ифлосланиши турли юқумли касалларни келтириб чиқаришини наҳотки катталар билмаса?! Ахир уларнинг ҳам болалари борку! Атроф-мухитнинг тозалигига эътибор бериш — ўзининг, болаларининг саломатлигини сақлаш эканлигини катталар унтиб қўйишдимикан?

**Лайло ФОЗИЛОВА,**  
Бухоро виләти,  
Фиждуондаги 4-ўрта  
мектаб ўкувчиси.



## БИЗНИНГ ДИЛФУЗА ОПА

Севимли газетам «Тонг юлдузи! Мен саҳифаларингда эълон қилинаётган ҳар бир мақолаларнинг қизиқиши билан үқиб бораман. Бу сағар сенга мактабимиз ҳақида ёзиг юборяпман.

Бизнинг мактабимиз 1990 йилда қурилган. Мактабимиз 3 қаватли бўлиб, унда 650 ўкувчи

билим олади. Биз ўкувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Синф хоналаримиз кенг, ёргува шинам.

Мактабимизда 2 та лицей-синф ва битта иқтидорли синф бор. Бундан ташқари, «Чашма» ёш қаламкашлар тұғараги иш олиб боради. Бу тұғаракка устозимиз Дилфуз Алимбекова раҳбарлық қиладилар. Дилфузда опамларни жудаям яхши кўрамиз. Чунки улар жонкуяр ва меҳрибонлар. Биз ҳам у кишига муносиб шогирд бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

**Малоҳат АЗИЗОВА,**  
Андижон туманиндағы 42-ўрта  
мектабининг 5-«Б» синф  
щукучиси.

## БОЛАЛИК ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ ЭКАН...

Дик-дик үйнаб юрган қызчаларни, шаталоқ отиб юрган болаларни куриб, болалигим өдимга тушиб, юрагим орқага тортиб кетади. Нега дейсизми?

Қиз бола булишимга қарамай, жуда шүх эдим. Учинчى синфни тугатишим билан бошқа мактабға утдим. Мақтаниш эмас-у, учинчى синфгача уртоқларимнинг «зур» и узим эдим. Тенгдошларим мендан күркәр, ҳатто биринчи синфда укитган муаллимамиз ҳам күпинча менга қараб бош чайқаб қуяр әдилар, у кишини бир марта бехосдан сувга йикитиб юборғанман. Қандай килиб дейсизми?

Муаллимамиз күпкічадан утаеттандарыда эсимда иук, нимагадир додлаб юбордим. Менга қарайман деб «шалоп» этиб сувга тушиб кетдилар. Ушанда шунақнган кулган эдим, ҳали-хануз эсимда. Бир вақт мени бир киши қулимдан тортиб синфға олиб кирди. Қарасам, ҳамма ёклари сув, муалимамиз мени ура кетдилар. Бир томондан күлгим келса, бир томондан йиглашман...

Туртинчи синфдан бошқа мактабға келиб, секин-аста күника бошладим. Аммо, бу ерда ҳам шүхлик қилиб мактаб раҳбари хонасига тез-тез кириб турардим. Чамамда 6-7-синфда эдим шекилли, болалар пул йигиб түп сотиб олдик. Уни синфда үйнаб, синф ойнасими синдириб құйсам буладими? Бошлианды. Бир вақт синф раҳбаримиз Ҳидоят Равшанова билан мактаб раҳбари кириб келди. Уларни куриб юрагим тез-тез ура бошлади. Мактаб раҳбари «масаламиз»ни ҳал қилишни синф раҳбари топшириб, чиқиб кетдилар. Синф раҳбаримиз 2-3 марта «ким қилиді?», деб сурадилар. Ҳамма болаларниң күзи менда, ҳеч кимдан садо чиқмажағ, мендан сурадилар. Мен нима дейипшишим билмай, «узим синдиридим» дедім. Гапимни эшитган синф раҳбари миз кулиб юбордилар. Мен ҳайрон булиб қараб турардим. Ҳидоят Равшанова мени кечирдилар.

Аслини олганда, болалик даври — подшолик даври экан-да. Мана уша «болалик — подшолигим» даври ҳам күз очиб юмгунча тушиб кетди. Ҳадемай, 11-синфни ҳам тутатамиз. Эссиз уша дамлар...

Әндилликда беҳуда утган вақтларим ортидан уксиниб құяман.

Битта тилагим: вақтингизни беҳуда утказман!

**Салом билан, Наргиза ИСЛОМОВА,**  
Бухоро виләти,  
Фиждуон туманиндағы  
29- мактабининг 11-«А» синф  
щукучиси.

## «РОМАШКА» САЛАТИ

Иккита қизил лавлаги, яримта карам, Иккита қизил сабзи майда қилиб тұғралади. Иккита картошкани ҳам майда тұғраб, қовуриб оласиз. 100-150 грамм гүштни ҳам тұғраб, уни ҳам қовуриб оласиз.

Ҳамма масаллигингиз тайёр булғанидан кейин, «ромашка» да лаганга Уртасига эса майонездан шиқда солади. 4 ош қосиз. Устидан озгина туз сепишиңи унугман. Тайёр салатингизни дастурхонга тортсанғыз иштача очар дастурхон булади.

## ГҮШТЛИ ПИРОГ

100 грамм гүштни ва битта пиёзни тұғраб, озгина туз сепиб, арапаштириб құясиз.

Хамирига эса:

битта елена, бир стакан қатық, озгина туз ва ош содаси ишлатылади. Хамири тайёр қилиб олганингиздан сүнг, уни иккига бўласиз.

Биринчи хамири листга ёйиб, устига тайёр киймани соласиз ва устидан иккичи хамири ёпиб, четларини чимчилаб беркитиб чиқасиз.

Пирогни паст бўлмаган оловда пишириб оласиз.

Пирог пишгач, уни кесиб меҳмонларга тортасиз.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА .



Муқаддас Рамазон келди. Авжи қиши фасли бўлса ҳам қўёш чиқиб ҳаво чараклаб очилиб кетган. Шундай пайтда уйда ўтириб бўладими? Ҳушим келиб дала богимга жўнайман.

Дарвозани очиб киришим билан одатдагидек қўшнимиз қизи Зебо югуриб келди. Эртаклар, ривоятлар ва топишмоқлар муҳлиси бу жажжи қиз эшикдан кирди-ю, тортиниб камтарона бир чеккада тураберди.

— Хўш, Зебо, нега бугун мактабга бормадинг?

— Вой, ғалатисиз-а, бугун отдих-ку! — деди менинг фаромуш хотирлигимдан кулиб.

— Ҳа, айтгандай, эсим курсин, — дейман гуноҳкорлардай.

— Сиз ҳам бугун ишга бормаяпсиз-ку, ахир шуни йўламадингизми, жуда қизиқсиз-а!

Қўлимдаги майда-чўйдаларни қўйиб, янги олиб келган иссиқнодан Зебога тутқазаман.

— Вой, Рамазон айтганим йўқ-

ку, нега нон берасиз? — дейди яна ҳазиллашиб.

— Ҳали Рамазон айтаяпсанми?

— Ҳа, кеча кечкурун болалар билан қишлоқни айланиб чиқдик.

— Нима деб Рамазон айтдинглар?

— ...

— Ё билмайсанми рамазон айтиши, мен ҳам болалигимда айтганман.

— Қани, бўлмаса айтб берингчи!

— Йўқ,

ол -

— дейман.

**Бу ўйнинг туйнугидан тутун чиқар.**

**Бизга ёғлиқ патирлар бутун чиқар.**

**Рамазонда дуо олинг келин пошшо,**

**Умр бўйи ҳаётингиз баҳти кечар...**

\*\*\*  
**Аллоҳсиз-га умр**

## РАМАЗОН АЙТИБ ЖЕЛДИШ

Болалар,

халқ севган ёзувчи

Мақсад Қориев бобонгиз сизни ҳам унумтмай, «Зебонинг топишмоқлари»ни йил бўйи айтиб бердилар. Янги йилда ҳам тенгдошингиз Зебо қиз сабаб, севимли ёзувчимиз Сиз билан бирга бўладилар.

Янги йил Сизга шодлик, баракали ижод, оиласий хотиржамлик олиб келсин, Мақсад бобо!

дин сен айтиб бер, — дейман сина-моқчи бўлиб.

— Мана эшигин, бўлмасам:

**Рамазон айтиб келдим эшигизга,**

**Кўчкордек ўғил берсин бешигизга...**

— Кейинчи?

— Бўёғини билмайман.

Зебо жим, оёғи билан ер чизади.

— Бўёғини билмайсанми?

— Сиз айтаколинг, эсида бўлса.

**Амакижон савоб ишга кўлурсангиз,**

**Худосизга умр берсин, киринг юзга.**

— Тўхтангтўхтанг ёзволаман.

Қофоз бераман, Зебо бурниниторта-торта ёзиб олди.

— Бўёғини ҳам кўчириб олақол, айтиб тураман,

**берсин дехқон ота,**

**Болалариз тезроқ ўсиб бўлсин катта,**

**Олма, туршак, жида, майиз бераколинг,**

**Болаларнинг савобига қолақолинг.**

— Ёзиб бўлдингми?

— Ҳозир, ҳозир...

Зебо ёзиб бўлди-да, гўё болаларга хос қизиқ бир кайфиятда:

— Уй эгаси кўнглимига ёқмайдиган арзимас нарса берса ўзимиз айтадиган шигирларимиз бор. Мана эшитинг:

**Ака берасиз, ака берасиз Нега бизга чақа берасиз.**

Ёки:

**Оқ танга, кўк танга, Чиқара қолинг жон янга.**

Ёки:

**Берган ўғлиз мулла бўлсин, Отининг эгари тилла бўлсин.**

— Анча нарса билар экансан-ку, Зебо, тағин билмайман, дейсан.

— Сизга янги топишмоқлар, ривоятлар топиб кўйдим. Газетта чикарасизми?

— Агар янгилари бўлса чиқаришади, — дейман қизалоқнинг кўнглини кўтариб.

Нега дарров мушук сичқонни еб

### Зебонинг янги топишмоқлари

#### МУШУК ВА СИЧҚОН

Чиройли оқ мушугим бор. Анави куни омборхонадан бир сичқонни тутиб олибди. Ҳовлимига олиб чиқиб емасдан, роса ўйнади. Қўли билан олиб кўтаради. Кейин кўйиб юборади-да, сичқоннинг ўзи мажоли йўқку, яна қочади дeng. Бир тешикка кираман, деганда, яна ҷақонлик билан ушлаб олиб, ўйнайди. Нега шундай?

Нега дарров мушук сичқонни еб

### Зебонинг топишмоқлари

кўя қолмай, у билан ўйнашади?

#### ЁНГОҚ КЎЧАТИ

Богимизда ҳар йили ариқ бўйида, ишком пуштасидан ёнгоқ кўчати чиқиб қолади. Бўлмаса ёнгоқни ойим ҳам, дадам ҳам экмаганлар. Кейин дадам ўша нобоп ердан униб чиқкан ёнгоқни бошқа жойга олиб ўтказадилар. Ўша кўчатлар ҳозир катта бўлиб, ҳосил бера бошлади. Саволим шуки, ўша ёнгоқларни ким эккан? Балки бунга ўқувчилар жавоб беришар?

#### КАЛДИРФОЧЛАР

Қалдирфочлар айвонимиз пештоқига ин қўйишган. Ҳар йили баҳорда ўша инларга қайтиб келиб, бироз «ремонт» қилишади-да, кейин бола очиб, уларни учирма қилиб кетишиади.

Менинг иккита саволим бор:

1. Нега қалдирфочлар одамларга яқин жойга ин куришади? Сабаби нима?

2. Нега уларнинг болалари учирма бўлгач, қайтиб келишмайди?

#### ОЧҚЎЗ ҚУШЛАР

Кейинги йилларда қишлоғимизда оқ қанотли қушлар кўпайиб кетди. Илгари баҳор фаслида эртаю кеч бири олиб, бири кўйиб сайраб ётадиган булбуллар негадир камайиб қолди. Зарғалдок, сўфитурғай, қизил иштон, читтак, сассиқ-попишақ, мусича деган қушлар ҳам кам. Нега десангиз, оқ қанотли майна деган йиртқич қушлар уларнинг полапонларини, ҳатто тухумларини ҳам еб қўйишаркан. Қурбақа, илонларни ҳам. Емиш камайиб қолгандан молларнинг устига чиқиб, канасини ҳам териб ёди. Буни ўз кўзим билан кўрганман. Гилос, олча, узумларни ҳам ҳали пишмасдан еб кўяди. Илгари бу қушлар қишлоғимизда йўқ эди.

Айтингчи, бу очқўз қушлар Ўзбекистонга қаердан келиб қолган?

### ЯНА ИККИ ТОПИШМОҚ

1. Мана қаранг, от туриби: Ёнида кучугим. Мен айтаётган топишмоқнинг мазмуни ҳам шу икки жонзотга боғлиқ.

Ўша нарса отдан баланд, итдан паст. Хўш, айтинг-чи, у нима?

2. Мана шу сиз кўриб турган кўмкўк дала. Тагида олтин қозик бор. Қанақа олтин қозик экан ўша?

Мақсад ҚОРИЕВ

Афсоналарда айтилишича, дунорни Шарқда «Арасту» номи билан машҳур бўлган булук юнон олимни Аристотел яратган эмиш. Дутор яратилишига қўйидаги воқеа сабаб бўлган эди. Арасту яшаган даврда ҳамма чолгулар баланд товушли даранглаган садо берарди. Арастунинг эса ёқимли ҳазин товушни эшигиси келар экан. Кунлардан бир кун тут дарахти тагидан утиб кетаёттанила куз олдига ишак келибди. «Барғидан шундай майин тола олинадиган бу дарахтдан чолгу асбоби тайёрланса қандай садо берар экан?» — деб ўйлади.

Арасту чолту ясашга ҳаракат қилибди. Чолгуни қайдай ясашни ўйлаб шаклини ҳам топибди. Бир

кечасини чопиб, рандалаб тайёр ҳам қилибди. Сунг иш тортиб чалса ҳеч овоз чиқмас эмиш, шунда у яна ўйлаб-ўйлаб, кучага чиқиб утирибди. Бир маҳал қараса, бир ҳушвуз юнгитилди. Дилрабо қушиқ айтиб кетаётган экан. Арасту ширил овозини эшитиб: «Хўш ҳам ширили овози бор эканми? Мен ясаган чолгу ҳам шундай оҳа-

нгра-бо овоз чиқарса қанийди». деб ўйлади.

Кеч булибди. Арасту уйига кириб ётибди. Бир вақт уйғонса, кучадан бояги ўйгитнинг яна ашула айтиб ўтаёттанини эшитибди, бирок энди

тўхта-тиб: «Боя кундузи сен ашулла айтиб ўтаёттанинида овозинг жуда ёқимли эди, энди нега бурик?» — деб савол берибди. Йигит экса кулиб: «Эй, содда одам, боя тўйидан кетаёттан эдим, энди тўйидан қайтаётман, қорним тўқ», дебди.

Шундан кейин Арасту ясаетган чолгуси косасининг ичини ўйибди. Унга териб қоплаб, чешиб курибди. Мұжъзам асбобдан жаранглаган тошуш эшитилибди.



## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Бирорнинг қалбига азоб бериш қанчалар ёмон... Бироқ, бу гал биз сизнинг қалбингизга оғирроқ бир түйгуни, яъни ғамни йўллаётимиз. Гарчи, кунларимиз хушнуд, қувончли бўлсада, бу — умр йўли фақат шодликлар орасидан ўтади дегани эмас. Қалб тириклигини англашимиз учун ҳам ўлим, ғамли воқеаларни эслаб туришимиз керак. Қолаверса, азиз болажонларимиздан бу саҳифани тайёрлаганимиз учун узр сўраймиз, негаки улар ҳали бундай ғамгузорликни ҳис қила олмайдилар, лекин бизнинг ёши улуф ўқитувчилар, ўсмир ёшлар ҳам ўқиб борадилар. Улар энди ҳаётнинг фақат шодликлардан иборат эмаслигини биладилар.

Биз мактаб ёшида бевакт ўлим олиб кетган синфдошларини эслаб мактуб йўллаган болаларнинг хатларини олиб ушибу саҳифани тайёрладик. Қолаверса, бу «хотира» руқни ўтиб кетганларни эслаш, уларнинг руҳини шод этиш учун восита бўлади. Ахир, яхши сўзлар билан эслаш йўлланган ягона эҳсондир ва яна... фарзидир.

Сен ниҳоятда ғамгин, ўйчан ва аллақандай кетишга шайланган йўловчига ўхшардинг. Кўзларингга қарасам «Тез кунларда кетаман, мени эслаб турарсан» деяётгана ўхшарди...

Ориф!

Сен билан бир мактаб-

ишқ шивирларини ёзадиган пайтларимиз эди...

Синфхонамиз деразаси тагида катта синф болалири кетмай айланадиган ажойиб дамлар эди...

Мактабдан қайтишимизда йўлимизни йигитчалар тусиб, учрашувга таклиф қиласадиган дамлар эди...

қўшнингнинг хонадонини гуллатиб юрибди. Биламан, сен уни баҳти бўлишини истайсан...

Сен мактабда ҳам 20 йиллик умрингдек сокин яшадинг, сокин севдинг, аммо...

Аммо сокин ўлмадинг. Ориф! 20 ёшида умри

нега бунчалар яхши кўрди экан-а?

Шу воқеани гапириб берётиб синфдошим Жонибек, «Гулжамол, биласанми, Ориф билан охирги бор хайрлашишга кирдик. Ухудди ухлаб ётганга ўхшарди, ҳозир уйгониб «Жўра, кетдик тўйга борамиз» дейдиганга ўхшайди. Юзлари опоқ беғубор болачага ўхшайди» деб ғамгин бўлиб гапириб берди.

Ростдан ҳам сен сокин яшадинг. Сенинг сокин умрингга ҳазонларини тўзгитиб ўлим келди.

Онанг ҳар бир синфдош йигитни қучиб йиглаганиш. Онанинг фарёдига ким чидайди, 40 та жони ҳам болам деб бўзлаётган



# «БУ АУНЕДА БИЗ БИР ЙЎЛОВЧИ»

да ўқирдик. Одатдагидек «Б» синфнинг болалари қандайдир вазминроқ, мени кечирасан-у, «А» синфига қараганда ўқиши сустроқ бўлади. Сен «Б» синфда ўқирдинг.

— «А» лар аълочи, «Б» лар балочи, — деб бир-биримиз билан гүёки ёвлашардик. Шунда сен:

— Ҳечамда «А»ларга алам, «Б»ларга байрам», — деб қўярдинг.

Мактабда ўқиб юрган пайтларимизда сен мени кўрсанг маъюс жилмайиб қўядиган бўлдинг... Унда биз анча улгайган эдик. Бир-бири мизга севги хатлари —

муаллимларимизнинг «фигони» фалакка чиқиб, бизни деворга тескари қаратиб жазолайдиган пайтлар эди...

Ўша пайтда сенинг аканг синфдош дугонамга севги изҳори йўлларди. Шу сабаб ҳам сен менга жилмайиб қўярдинг...

Ориф!

Сен мактабда тўполончи бўлмадинг, аълочи бўлмадинг, бирор қизнинг сочини юлиб, жигига тегмадинг...

Фақат, мактабдаги энг гўзал қизни севардинг...

У қизни бошқа йигитлар ҳам севарди. У жудаям гўзал эди...

Ўша қиз бугун сенинг

ҳазон бўлган синфдошим! Сен ҳақингдаги қайгули ха-бар барчамизни эсанкиратиб қўйди. Гўёки ўлим сенга шафқат қилиши керак-дек эди, гўёки сен ўлмаслигинг керак эди...

Сен йигитлик бурчингни ўтаб бўлаётган эдинг. Келсанг ота-онанг тўй қилмоқчи, баҳти қаролигки, тўйга аталгани азангга кетди. Бир мудҳиш ҳақиқат бор, бу — ўлимдир. Лекин сен ҳали яшашинг керак эди...

«Орифни ҳарбий хизматда электр токи уриб ўлибди». Бу мудҳиш гапга мён неча кунлар ишонмай юрдим. Ахир, энди яшай деганида, яшнай деганида ўладими одам?! Худо сени

онанинг дардига ким малҳам қўяди?

Опа-акаларингни кўрдим. Барчасининг кўзларига фам чўккан, озиб-тўзиз кетган. Кимга айтишини, сенинг ўлиминг сабабкорини билолмай азобда эканини сездим. Остонасидан, жонини кўшиб, нонга тиши изларингни олиб қолаётганда онанг қанчалар бўйларингдан, қошу кўзларингдан ўргилиб севингандир...

Ногоҳ ўлим сени темир тобутда олиб келганда унинг икки дунёсидан ёруғлик, бир чимдим ойдінлик тополмагандирсан...

Ориф!

Сени руҳинг энг пок дунёларда юрибди. Ўша руҳинг онангни қалбини, дунёларини ёритсин...

Сен жаннатда филмон бўлиб сайлангансан, чунки сен бегуноҳ кетдинг. Фариштадек кетдинг...

Менга фақат синфдош бўлган синфдошим!...

Гарчи, ўлим қўрқинчидир, бироқ у озодликдир! Сенинг озод руҳингга ҳаловат тилайман! Дунёларинг ободлигини тилайман! Лабларинг оҳисста шивирлаётир, руҳинг менга овоз бераётир!

«Ўлим эрк устига қадалган тұғдир!»

Гулжамол АСҚАРОВА.

лар келди экан-а?

Асолат!

Мана биз мактабни битирдик. Мен Тошкентга ўқишига келдим. Киролмадим. Сени кўп эсладим. Балки сен билан келганимда киравмидим. Аммо яхши кунлар олдинда. Сен куриб турсанг керак, ахир руҳлар бизни кўрап эканку. Бироқ энди мен сени кўра олмайман...

Энди фақат сени тўйлаrimиз, йигинларимизда эслаймиз. Одамзот йўловчи экан. Кимдир бу карвонсайрода кўпроқ, кимдир озроқ тўхтаб ўтаркан. Сен жуда ҳам кам тўхтадинг. Руҳинг шод бўлсин, синфдош!

Сени ҳеч қачон унумаймиз!

Зубайда РАҲМОНОВА,  
Самарқанд вилоятидаги  
20-мактаб ўкувчиси.

## ОСМОНДАН НИМА ТОПДИНГ, АСОЛАТ?

Мен сени аҳён-аҳёнда қимтинибина келишингни согинаман.

Сен ҳечам, дунёга бир онгинага келганга ўхшамасдинг хаёлимда бирга узоқ дугона бўлиб яшайдигандек эдик. Турмушга чиқиб, болаларимиз кўп буладигандек эди. Тұгрисини айтсан, ўлим хаёлимниг бир бурчида ҳам ўйқ эди. Ахир 16 ёшида одам ўлимини эслармиди?

Севгини, севги хатларини ўқишни, Тошкентларда ўқишни ўйладиган ёща ўзик ҳаёлимниг бир бурчида ҳам ўйлади.

Лекин сен касал бўлиб қолдинг. Кўкка тикилиб узоқ ўйладик.

Асолат дугонажон!

Осмондан нима топди-ки, бизни ташлаб осмонларга кетдинг-а?

Нега энди гулдек даври-нгда кетдинг-а?

— Сен-чи, сен?

— Зангори осмон рангини.

Ҳаммамиз ўз севимли рангларимизни чугурлаб айти бошладик. Кимдир:

— Асолат, сен-чи, сен қайси рангни яхши кўрасан? — деди.

Сен аллақандай оғриниш билан:

— Қора рангни, — дединг.

Жимлик чўқди. Қайси биримиз, қора ёмон ранг-ку, деб сұхбатни улаб кетдик... сен жим туравердинг...

Ушанда кўнглингта нима-



# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

"Тонг юлдузи"га илова  
иқтисодий газета



Ислом КАРИМОВ:

ФИЗАДАРЫЛЫМЫЗ  
БИЗДАН КҮРА

КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО  
ВА  
БАХТЛИ БҮЛИШЛАРИ  
ШАРТ!

**БИЗ** бугунги ҳәёти-  
мизнинг қайси маса-  
лалари ва вазифалари ҳақида,  
қайси истиқболлари ҳақида  
запирмайлик, бошқариш ва  
ишлаб чиқаришнинг барча  
бүғинларида - ҳамма нарса  
бугун кадрларга ва яна кадр-  
ларга бориб тақалади.

Бу масалани ҳал этмасдан  
туриб, амалда ўз истиқболи-  
мизни күриш мумкин эмас. Бу  
охир-оқибатда бизнинг ўз  
фарзандларимиз, набиралари-  
миз олдидағы бурчимиздир.  
Биз уларни эртанги мураккаб,  
суронли ҳаётта тайёрлашимиз  
керак.

**ФАРЗАНДЛАРИМЫЗ**  
биздан күра билимли,  
кучли, доно ва албатта  
бахти бүлишлари шарт. Так-  
пор айтаман: мана шу эзгу  
мақсад бугунги кунда ҳар би-  
римизнинг ҳаётимиз мазмуни-  
га айланиши даркор.

**ФАРЗАНДЛАРИМЫЗ**  
- бизнинг фуруримиз-  
дир. Бу ҳар бир инсон  
учун тушунарлы, албатта. Биз  
ҳақиқатан ҳам ўз фарзандла-  
римиз ва набираларимиз би-  
лан фахрланишин истасак -  
улар замонавий билим ва таж-  
рибага эга, иймонли-эътиқод-  
ли бүлишларига, Ватанимиз  
тарихида үчмас из қолдирған  
буоқ аждодларимизнинг иш-  
ларини давом эттиришларига

эришишимиз лозим.

**БИЗ** ўз олдимизга  
күйган эзгу мақсад  
бугунги кунда одам-  
ларнинг онту шуурига кириб  
борди - биз келажаги буюк  
бўлган давлат ва жамият  
қуришни истаймиз. Ва бунинг  
учун бизда ҳамма асослар бор.  
Лекин ана шу мақсадга етиш-  
нинг муҳим шарти, яна ва яна  
таъкидаш жоизки, бизнинг  
ўрнимизга келадиган авлод-  
нинг билим савиаси ва тафак-  
кури билан бевосита боғлиқ-  
дир.

**КАДРЛАР** тайёрлаш  
миллий дастурини  
амалга ошириш, мубо-  
лағасиз айтиш керакки, гул-  
лаб яшнаган, кучли демократи-  
к давлат, фуқаролар жами-  
ятини шакллантириш, сахо-  
ватли заминимизда яшаёттан  
одамларнинг баҳти ва фаро-  
вонлигини таъминлашдан ибо-  
рат бўлган, узоқни кўзлаган  
мақсадимизнинг моҳияти, асо-  
си бўлиши лозим.

**КЕЛИНГ,** энди асосий  
муддаога ўтайлик.  
Менинг сиз ҳоким-  
ларга аниқ топширигим бор.  
Дастурда 1999-2000 йилларда  
187 академик лицей ва касб-  
хунар колледжарини қуриш  
ва 110 та шундай муассасани  
таъмирлаш кўзда тутилган.  
Лекин мен вазифани кенгроқ




кўймоқчиман. Шу икки йилда  
биз ҳар бир туман, ҳар бир  
шаҳарда янги лойиҳалар  
бўйича энг замонавий талаб-  
ларга жавоб берадиган кол-  
леж ва лицеелар қурамиз.

**БУ** андоза асосида  
кўплаб. шундай  
қурилишларни амал-  
га оширишимиз мумкин. Бу-  
нинг учун лойиҳа институт-  
лари лицей ва коллежар-  
нинг касб ихтисосини  
ҳисобга олиб, маҳсус лойи-  
ҳалар ишлаб чиқсан. Бу муз-  
ассасаларнинг қаерда жой-  
лашиши аниқлаб берилган  
ҳукумат қарори қабул  
қилинган. Кўп вилоятларда  
улар учун керакли миқдорда  
ер ҳам ажратиб берилди.  
Муҳими, уларни молиявий

таъминлаш манбаалари аниқ  
белгиланган.

**КЕЛГУСИ** йил бюд-  
жетининг ўзидаёқ бу  
мақсадлар учун 34  
милиард сўмдан ортиқ маблағ  
йўналтириш кўзда тутилмоқда.

**ҚУРИЛИШНИ** амалга  
oshiриш учун ҳар бир  
вилоятда коллеж ва  
лицеелар бунёд этишга ихти-  
сослаштириладиган бир неча  
қурилиш трестлари белгилаб  
кўйилган. Мен очик-ойдин  
айтиб қўяй - бу коллежлар  
нафақат билим маскани, бал-  
ки биз юртимизга келадиган  
меҳмон ва сайёҳларни олиб  
бориб кўрсатишга арзийдиган,  
бошқаларнинг ҳавасини кел-  
тирадиган муҳташам иншоот-  
лар бўлиши лозим.



*Йилнинг энг муҳим натижаси - бу шакланган макроиктисодий ва молиявий барқарорликниң янада мустаҳкамланиши бўлди.*

*Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ўтаётган йил якунида ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми - 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти - 4,8 фоизга, чакана товар айланиши - 12 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 9,5 фоизга ошган. Шу тариқа умуман иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида иқтисодий ўсиш тамойилини яққол кўриш мумкин.*



# ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН 1998 ЙИЛДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР:

1998 йилда ҳам, аввалги йилларда бўлганидек, қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг наслайшига эршилди. Жорий йилда инфляция даражаси 22 фоизни ташкил этиши кутмомоқда.

Биз нақд тул эмиссиясини қисқартишига, давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 3,2 фоиз эмас, балки 3 фоиз камомад билан бажаршига эришидик.

\* \* \*

Бу йил нефть ва газ конденсати, кўмир қазиб чиқарии ҳажмлари ўтган йилдагига нисбатан ошиди.

\* \* \*

Миршикор дечқонларимиз бу йил 4,6 миллион тонна галла ҳосили етишитирдилар. Бу 1997 йилдагига қараганда қарийб 850 минг тонна кўп демакдир.

\* \* \*

Капитал маблаглар таркибининг ўзида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди - хорижий инвестициялар ҳиссаси 27,3 фоизга қадар ошиди. Жами капитал маблагларининг 60 фоиздан ортиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди.

Натижада чет эл сармояси иштирокида:

- Шўртан газ-кимё мажмууни қуриш;
- Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш;
- Ҳўжабоддаги ер ости газ омборини;
- Ангрендаги каолин заводининг биринчи навбатини;
- Қўнгирот сода заводини;
- "СамҚўчавто", "Папфен", "Косонсои-Текмен".

каби қўшма корхоналарни;

- Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида аэропортларни қуриш ишлари давом этирилди.

\* \* \*

Фарғонадаги "Кимёвий тола" ишлаб чиқарии бирлашимасида полиамид-6 ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди. Асака-Хўжаобод газ қувири фойдаланишига топширилди, Қизилқум фосфорит заводининг 1-навбати ишлай бошлиди.

\* \* \*

Ўтиб бораётган йилнинг ўзидагина биз бир қатор дастурларни қабул қиласди.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий истроҳотларни чуқурлашиши дастурини, Кадрлар тайёрлашининг миллий дастурини, Академик лицейлар ва саеб-хўнтар коллежларини қуриш дастурини, шунингдек, капитал қурилиши, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш тизими, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириши, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ бўлан таъминлашга қаратилган дастурларни айтиб ўтиш лозим. Давлат мулкини хусусийлаширишда чет эл капиталини жалб қилиш юзасидан маҳсус дастур қабул қилинди.

\* \* \*

Иқтисодиётимизнинг ҳолати ва самарадорлигига, бутун иқтисодий истроҳотлар жараёнига дунё иқтисодиётиди, Жанубий Шарқий Осиё, айниқса Россияда авжга чиқкан, бутун дунё молия тизими ни издан чиқарип фалаж қилган иқтисодий инқизор салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Жаҳон бозорида хомашё ресурсларига, айниқса, экспортимизнинг 60 фоизини ташкил қиласидиган маҳсулотларга баҳо конъюнктураси кескин пасайди.

Ёнг аввало, бу - жорий йилда жаҳон бозорида 25 фоиз пасайган пахта нархларига тегишилди.

Кейинги беш йил мобайнида тилла баҳоси ҳам тушшиб борди. Йил давомида 1 унция (31,2 грамм.) тилла нархининг 300 доллардан ошмагани тарихда маълум бўлган чукур иқтисодий зилзилалар давридан кейин биринчи марта содир бўлган ҳодисадир.

\* \* \*

Мамлакатимиз учун ана шундай жуда мураккаб шароитда валюта барқарорлиги бўйича кескин ва қатъий чоралар кўриш орқали ўта муҳим, айтиш мумкин, стратегик вазифани ҳал қилишига муваффақ бўлдик. Яъни, ўтган йилги олтин заҳираси ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, ўйл охирида ឱжобий ташқи савдо ва тўлов балансига эришидик.

\* \* \*

Биз унун бу йил пахтачиликда жуда мураккаб ва сермашақчат бўлганини барчангиз яхши биласиз. Мўлжалга нисбатан 800 минг тоннага яқин пахта хомашёси кам тайёрланди. Агар толага чақсан, бу таҳминан 250 минг тоннани ташкил этади.

\* \* \*

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқни молиявий қўллаб-қувватлаш, объектив сабаблар тифайли кўрилган зарарни қоплаш ва 1999 йилги янги мавсумга тайёр гарлик учун зарур маблаглар топиш хусусида ҳукумат қарори тайёрланмоқда.

# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI 102-103-сонлар. 29 декабрь, 1998 йил

## ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

Янги ўқув ишидан бошланган  
“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаби конкурси  
давом этимоқда.

Конкурс “Ёш иқтисодчи” шабака газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари Эрғашов САРИҚОВ ва Баходир ҲАЙДАРОВлар билан ҳамкорликда ўюнтирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув иши давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонида конкурс топшириклари ва бу топширикларни бажаршишингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз, ўз навбатида, топширик варақаларни тўлдириб, таҳририята юборшишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксада кўчириб олиб, топширик варақасини тўлдириб, бизга ўйлашиниз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топширикларни тўплаб, 1 та хатжилда юборшишингиз ҳам мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан қўйидаги мукофотлар таъсис этилган:

1-ўрнини эгаллаган ўқувчига - телевизор;

2-ўрнини эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;

фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер

Конкурснинг якуни босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилиади.

ДИҚҚАТ,  
ТАНЛОВ!



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
КУЙДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029, Тошкент шаҳри,  
Мустакиллик майдони,  
2-йи, 402-хона.

(Музофтар ПИРМАТОВга)

14 - ДАРС

НАРХ

III БОЗОР

Бу дарсда нархнинг бозор билан боғлиқ бўлган омиллари устида тўхтамалимиз.

Айтайлик, фермер сигирни мол бозорига сотиш учун олиб келди. Бир харидор билан савдолашиб, сигирни 30 минг сўмга сотди. Бозордаги бу жараён натижасига, битта сигирнинг товар сифатидаги қўймати - 30 минг сўм пул билан ифодаланди, яъни унинг нархи белгиланди.

Демак, бозорда товарниң нархи шакланар, яъни товар нархини бозор белгилар экан.



30 минг сўм пул  
сигирнинг нархи

СОТУВЧИЛАР



ХАРИДОРЛАР

Буни қўйигаги мунозарарадан яхшироқ тушуниб олиш мумкин.

Айтинг-чи, сизга ўртоғингиз бир дона оғодий 12 варақли дафтари 25 сўмга сотиб олишини тақлиф қиласа, олармишингиз?

Албатта сотиб олмасдингиз! Нега? Нима сабабдан сотиб олмайсиз? Ҳа, қиммат! Дафтарнинг арzon ёки қимматлигини қаердан билдингиз?

Дўйонларда, мактаб бозорларида дафтар тиқилиб ётибди. Борйи 10 сўм туради. Бу сизга маълум. Буни сизга бозор “айтиб турибди”. Шу сабаб сиз дафтари 25 сўмга сотиб олмайсиз.

Мана кўргингиз-ми! Бозор товар нархини ҳам белгилаб турар экан. Бу бозорнинг асосий хусусиятларидан бириadir.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, бозорда нархнинг шаклланишига харидор ва сотувчilar ҳам шитирок этади. Нарх сотувchilar ва харidorlar бозорда тутган мавқесига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар бозорда сотувchilar ҳам, харidorlar ҳам кўп бўлса, улар орасига рақобат вужуга келади ва улардан ҳеч бири ўзича нарх ўрната олмайди.

Ҳақиқатан, қўйигаги вазиятларни бирга таҳмил қиласайлик. Айтайлик, бир сотувchi мактаб бозорига, ҳалиги ўртоғингизга ўхшаб битта дафтарга 25 сўм нарх ёзиб қўйди. Натижага, у бирорта ҳам дафтар сота олмади. Чунки, бозорда сотувchilar кўп бўлиб, улар орасига рақобат бўлганилиги учун харidorlar дафтарни бошқа сотувchilardan арzon баҳода харид қилишади.

Ёки бўлмаса, бир харidor сотувchi олдига келиб, 10 сўм турадиган дафтарни 5 сўмга берасан, - деб туриб олди. Бу харidor ҳар қанча чиранмасин, сотувchi унга дафтарни бу нархда сотмайди. Чунки бозорда хaridorlar кўп бўлганилиги учун, улар орасига ҳам рақобат бўлади. Шу-

нинг учун дафтарни 10 сўмга оладиган бошқа харidor топилади.

Сотувchilar ҳам, харidorlar ҳам кўп бўлган бозорга эркин бозор деб аталаadi.

СОТУВЧИЛАР



ХАРИДОРЛАР

Эркин бозорда нарх юқорида кўрганимиздек, сотувchilar ва хaridorlar ўртасидаги рақобат натижасига шакланади.

Сотувchi битта (ёки бир нечта), хaridorlar esa кўп бўлган бозор монополишаған бозор дейилади.

Бундай бозорда сотувchi монополист бўлиб, рақобатни чеклайди. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган, бўлиб, нархга сезиларли таъсир ўтказа олади.

Шунингдек, хaridor битта (ёки бир нечта), сотувchilar esa кўп бўлган ҳам монополишаған бозор деб аталаadi. Бундай бозорда хaridor монополист бўлади ва нархга таъсир ўтказа олади.

СОТУВЧИ



ХАРИДОРЛАР

Айтайлик, янги ўқув иши арафасига битта фирма бозордаги ҳамма дафтарларни сотиб олиб, нархини 25 сўм қилиб белгилаб, дафтарни бир ўзи сота бошлади. Бундай шароитда дафтар қисириб юрган минглаб хaridorlar бозорда бошқа дафтарни 25 сўмдан бўлса ҳам сотиб олишига мажбур бўладилар.

Кўриб турганингиздек, монополишаған бозор яхши оқибатларга олиб келмас экан.

Шундай бўлса-да, баъзи товарларни фақат битта корхона ишлаб чиқариб, бу товар бозорлари монополишаған бўлади. Буидай бозорларни давлат томонидан жиловланиб, назорат қилиб турдилади. Мамлакатимиздаги монополишаған бозорларга пахта терсиҳ машиналари, нефть ва газ маҳсулотлари бозорларини ва бошқа товарлар бозорларини келтириши мумкин.

14 - ТОНШИРИК

БОЗОР НАРХ

1. Бозор нархарини биласизми? Жадвалнинг биринчи устунидаги келтирилган товарларнинг маҳаллий бозордаги нархларини аниқлаб, иккинчи устунга ёзинг ва мұхокама қилинг. Мұхокама натижасига кўра, тұзатышларни киригингиз ва жағобларингизни таққослан.

Н Товарлар	Нарх	Тұзатыш
1 Картопка		
2 Гүшт		
3 Гуруч		
4 Пахта ёғи		
5 Пиэз		
6 Сабзі		
7 12 варақли дафтар		
8 Шариклы ручка		
9 Математика дарслеги		
10 Ун		
11 Туз		
12 Нон		

2. Тўғрисини топинг.

Монополишаған бозорда

а) товар нархи эркин бозордагидан паст бўлади.

в) харidorlar ҳам, сотувchilar ҳам кўп бўлади.

с) сотувchilar ўртасидаги рақобат кучли бўлади.

д) сотувchilar битта (ёки бир нечта) бўлиб, хaridorlar кўп бўлади.

е) нархларни давлат назорат қилимайди.

3. Керакли жағобни қолдириб, кераксизини чизиб ўчиринг.

1. Эркин бозорда харidor

нархга таъсир қила оладими?

2. Эркин бозорда сотувchis

нархга таъсир қила оладими?

3. Монополист сотувchis

нархга таъсир қила оладими?

4. Монополист хaridor

нархга таъсир қила оладими?

ХА ЙҮК

ХА ЙҮК

ХА ЙҮК

ХА ЙҮК

4. Дишодиннэ дадаси ўйдаги қўйни сотмоқчи бўлди. Кўшилардан хaridor чиққанига қарашмасдан, у қўйни мол бозорга олиб чиқди. Бу вазиятга доср қўйидаги саволларга жағоб беринг:

1. Нима учун қўй бозорга олиб чиқилди?

Жағоб:

2. Бозордаги нарх кўшилар тақлиф қилган нарх билан бир хил бўладими?

Жағоб:

3. Қўй сотилмасдан қайтиб келиши мумкини?

Жағоб:

4. Агар қўй гўштининг килоси 400 сўм, бу қўйнинг вазни эса 30 кг бўлса, сиз қўйга қандай нарх белгиланган бўлар эдингиз?

Жағоб:

5. Монополишаған бозорларга мисоллар келтиринг.

1.

2.

3.

4.

5.

Жами:

6. Онангиздан палов пишиши учун қанча ва қандай масаллиқлар ишлатилишини, дадангиздан эса бу масаллиқлар қанчага тушиншини сўраб олиб, қўйидаги жадвални тўлдиринг.


N	Масаллиқлар	Қанча керак	Нарх	Суммаси
1				
2				
3				
4				
5				
6				

7. Керакли жағобни қолдириб, кераксизини чизиб ўчиринг.



# Келажак

## бизнинг кўмилинида!



Мана она-Ватанимиз - Ўзбекистон Республикасиизнинг мустақил бўлганига 7 йилдан бери бизнинг Мадҳиямиз янграмоқда. Байройимиз эса турли миллатдаги мустақил бўлган давлатлар байроқлари сафидан ўрин олиб, осмон узра хилдирамоқда. Ҳа, биз ҳам мустақил бўлдик. Шу қисқа вақт ичда турли давлатлар билан ҳамкорлик ришталари боғланиб, давлат хавфсизлиги учун қўлланилган турли хил чора-тадбирлар, инсонларнинг турмушини яхшилаш мақсадида ва аҳолининг маънавиятини кучайтиришда ҳамда шу қатор кўпигина муаммолар ҳам ҳал этилди. Лекин биргина бизнинг давлатимиз гуллаб-яшнашига, ривожланишига пуртур етказигина қолмай, балки бутун дунё аҳолисига катта хавф-хатар тугдираётган, энг асосий да долзарб муаммолардан бири - экологик муаммолар бўлиб, у ҳали ҳам ҳал этилганича йўқ. Айниқса, Орол муаммоҳи ҳамманни довдиратиб кўймоқда. Бу муаммо сўнгги йилларда янада кескинлашди. Асрлар туаш келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, кўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баравардир. Афуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарвонлик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Умуман олганда, Экологик хавфсизлик муаммоҳи аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммоҳи айланган. Табиатнинг ўз қонуни ва мувозанати бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Юртбушимиз И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасидан" номли китобида қўйидаги жўмладан гапларимизни тасдиқлади:

"Бу хавфни анча кеч, 70-йилларнинг бошларида гина англай бошладик. Бу ҳол бамисоли "бомба портлагандай" таъсир этди. Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф-муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди. Инсоннинг табиат имкониятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳ.к.ларнинг рўй беришига олиб келади. Мутахассисларнинг баҳолашлари, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаёнлаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50-йилларда улар 1/4 қисмини эталлаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, у тақорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда".

Нақадар даҳшатли ҳол! Инсон шунчаликка олиб борганига албатта ишониш қийин. Президентимиз китобининг "Экологик муаммолар" бобида таъкидланганидек:

## „ОИЛА ВА ЭКОЛОГИЯ



## БОЛАЛАР НИГОҲИДА"

ни ҳаммадан ўз пули, бойлиги ва қимматбаҳо кийими билан ажralиб туриш эмас, балки ўз урф-одатларини, ань-аналарини сақлаган ҳолда, қонунларга ҳамда одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилиш, ўз гурурини сақлашадир. Маданиятли инсон - одоб-аҳлоқли инсон. Зоро, кўчада Соса-Cola ёки Fanta шарбатини ичиб кетаётib оёқ остига ташланган бутилкалар сони, кўп қаватли уйлардан ахлат ташлашлар, музқаймоқ еб, қоғозларини ёки бўлмаса писта чақиб гўчогини сочиш, кўча-кўйда хазонларни ёқиш, ҳатто бизга сир эмаски, кўчада кетаётib нон еб, ушоги оёқ остига тушганлигини пайқамай, босиб ёки нон бўлагини деворларнинг бир четига ташлаб кетишлини анча камаяр эди. Бу эса нафақат ёмон оқибатларга олиб келади, балки шу билан бирга инсонларнинг маданиятсизлигини ҳам намоён қиласи.

Иккинчидан, биз нафақат ўз уйимизни, шунингдек, атрофимизни ҳам тоза тутишимиз зарур. Ахир барча юкумли касалликлар, ифлосликлар, уйимизга кўчадан кирадику! Шунинг учун ҳам ҳаммамиз эрта тонгда кўча-хөвлиларга сув сепиб, супуриб маҳалларимиз обод бўлиши учун уйимиз атрофига, боғчалар ва мактаб ҳөвлиларни, йўллар четига кўчатлар ўтқазишмиз керак. Бундаги дараҳтлар факатгина кўрк ёки мева солиш учунгина эмас, шу билан бирга ҳавони ҳаддан ташқари ифлосланишига йўл кўймайди.

Учинчидан. Биз барча ресурсларимиздан тежамкорлик билан фойдаланишимиз кераклигини алоҳида эътиборга олмогимиз зарур.


Тўртингчидан. Тўйу маракаларни, тантанали байрамларни нишонлаганда ортиқча исрофгарчиликка йўл кўймаслик керак. Бу, биринчидан, ҳам пулни тежайди, иккинчидан эса исроф бўлган маҳсулотларни олиб, атроф-муҳитга турли касалликлар тарқалишининг олдини олади.

Шундай экан "тоза ҳаво - танга даво" деганларидағи биз ўзимизгина, ҳа, фақат биз - келажак болалар, каттлари шу ишларда ёрдам беришимиз, турли хил ноҳуш экологик муаммоларни ҳал қилиш учун бутун дунё болалари бирлашишимиз, бир ёқадан бош чиқаруб, шу буюк ишга ҳар биримиз ўз хиссамизни қўшишимиз яхши натижаларга эришишга ёрдам беради. Зоро, Ватанимиз осойиштарилиги, юртимизнинг келажаги бизнинг қўлимида!

**Феруза МУЯССАРОВА,  
ёш мухбиришим.**

(Муаллиф чизган суратлар).





## ВАКТ МАШИНАСИ ЁКУ XXI АСРГА МАКТУБ

Асrimizning охирги йилларида Ўзбекистон тарақкий этган мамлакатлар сафига кирмоқда. Уни янада гуллаб-яшнаши Сизларнинг зиммангизда. Ватанимизни кўз қорачигидек асралгар.

Наргиза ИКРОМОВА,  
Норин тумани.

Компьютерда пахта тераёттан синглим. Сенга қадимий ўзбек паҳтакорининг орзу гули насиб этани қутлуғ бўлсин.

Ирова СОБИРОВА,  
Пскент тумани.



Менинг 35 ёшлигим. Хусусий шифохонамиз врачларига оғриқ тишларини юлдуз нурлари билан даволаш усулини ўргатишни унутма.

Искандар ОЛИМОВ,  
Наманган шаҳри.

Ойда етиштирган буғдойимнинг янги навини ерга олиб келиш учун космик кема ажратишингизни сўраймай.

Комил ИНОГОМОВ,  
Тошкент шаҳри.

2006 йил. Тошкент шаҳри, Паҳтакор марказий ўйингоҳи. Ўзбекистон терма жамоасига.

Сизларни жаҳон чемпиони бўлганингиз билан муборакбод этаман.

Марат ҚОДИРОВ,  
Навоий шаҳри.

2030 йил. Тошкент. Тадбиркор дўстим...га. Тинч океани қаърида ўсан шифобахш сувости гиёҳларидан тайёрланган таблеткаларни ўзга сайёраликларга ҳам юбор.

Мавжуда ТЎХТАСИНОВА,  
Андижон тумани.

Мен Сизларнинг асрингизда инсонлар ўрнини компютерлар эгаллаб олишини истамайман.

Наргиза АЛИМОВА,  
Гулистон шаҳри.

XXI асрда улкан кашфиётлар бўлишига ишонаман. Унда Само "бағри"ни Ерликларга "очиб", ажаб олам сирларидан воқиф қиласи.

Исмоил ШУКУРОВ,  
Бойсун тумани.

Биз йўл қўйган хатоларни такрорламанг. Атроф-муҳитни ифлослантирманг. Экологияни бузилишига йўл қўйманг.

Севара ЮСУПОВА,  
Сирғали тумани.

...Қуроллар ўйинчоқ шаклида ҳам ишлаб чиқарилмасин!

Баҳром ЮСУПОВ,  
Тошкент шаҳри.

"Ёш иқтисодчи"лар. Сизлар ҳам келажак авлодларимизга ёзган мактубингизни бизга юборинг. Биз уларни газетамиз саҳифалари орқали тарихга муҳраб қўямиз. Авлодларимиз Сизларнинг бу мактубларигизни албатта ўқийдилар.

Манзилимиз: 700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уи. (Музаффар ПИРМАТОВга).



## МУЧАЛДОШЛАР ДАВРАСИДА

Мучал йилимда мен учун катта ўзгаришлар бўлди. Масалан, дўстларимнинг сони кўпайши, спортга бўлган қизиқишни янада ку чайди.

Йўлбарсни ҳайвонлар шоҳи деса ҳам бўлади. Бақувват, довюрак-лигум билан йўлбарсга ўхшасам керак.

Мен, мабодо, бирор бола билан уришиб қолсан асабийлашиб йўлбарсга ўхшаб бақираман.

Шоҳруҳ Собиржонов,  
12 ёшда.

Менинг йўлбарсга ўхшаши томонларим бор. Айтишларича, бу йилда түғилганлар эпчил, бир сўзли, аълочи бўлармиш. Мен нафақат "йўлбарс"лар, барча "ҳайвонлар" шу фазилатларга эга бўлишларини хоҳлардим.

Умида Бобоева,  
12 ёшда.

Ўтаётган Йўлбарс йилида анча ўзгаришлар соёир бўлди. Одобим ошиди, ўқишим аъло даражага етди.

Йўлбарс бақувват ҳайвон. Унга тенглашиб бўладими?! Мен ўзимни йўлбарсдек ҳис қилмайман. Чунки у жаҳдор, бақувват, бошқа ҳайвонларга сўзини ўтказди. Йўлбарс - ҳайвонлар шоҳи. Лекин одам ундан ҳам устун бўлиши керак. Одам ёлкон гапир-маслиги, уришмай, кичик укала-рига, дўстларига ёрдам бериши, жасур бўлиши керак.

Гулноза Шарипова,  
12 ёшда.

Ўтаётган Йўлбарс йилида омаг фақат менга боққандай бўлди. Ўқишиларим яхшиланди. Мен ўзимни чаққон, эпчил ва довюрак деб ҳисоблайман.

Мен ҳамма милий таомларни ёқтираман. Йўлбарс каби овқат танламайман, овқат танлаб бўлмайди. Чунки, ҳар бир таом ўзича ширин.

Фотима деган қиз билан уришганман. Биз доим бирон нарса учун талашиб қоламиз.

Сўзимнинг охирига ҳамма одамлар йўлбарсдан фарқли ўлароқ бўлиб, меҳрибон, ростгўй, инсофли, ширин сўз ва мулоийм бўлишларини хоҳлайман. Чунки, одамзот жонзорлар шоҳи.

Нилуфар Тошпўлатова,  
12 ёшда.

Мен учун бу йил ўқишиларимга яхши баҳолар, ишларимга баҳт келтирди. Мен йўлбарсга ўхшаб сезирман. Бирор келиши билан унинг қўмлигини, яхшими, ёмонми - тезда билиб оламан.


Йўлбарсга ўхшаб бақувват таомларни егим келди. Масалан, ош, товуқ гўшти, кабоб ва бошқалар. Агар уришиб қолсан, йўлбарсга ўхшаб уришаман.

Кириб келаётган янги йилингиз сиз истаганча бўлсин, "Куёнлар"!

Даврон Абдураҳмонов  
12 ёшда.



Тошкент шаҳри,  
Сирғали туманинаги  
300-лицей-мактаб ўқувчилари -  
мехмонимиз!



Мен қуён мучалига түғилганман. Карам ейшини ёқтираман. Айниқса, карсллатиб тез-тез чайнини.

Жудаям тез югураман. Шунинг учун жисмоний тарбия дарсидан чорак бахоларим аъло.

Кўрқоқлигимни тан оламан. Олов, илон, айш, бўри ва ота-онамдан кўрқаман. Қуён боқини яхши кўраман. Бирор, афуски боқиб кўргаганман.

Нодир Хурбоев  
11 ёшда.

Мучалим қуён бўлганлиги сабабли, менда унинг ҳислатлари кўн деб ўйлайман. Сабзи ейши менга ёқади.

Мен кўрқоқ бўлсан керак. Уйда иш қилмаган пайтимда ойимнинг қорасини, кўриб қолсан, дарров ишга киришиб кетаман ва тезда тугатаман.

Зухра Фармонова,  
11 ёшда.

Куённинг ҳислатлари менда кам эмас. Сабзи ейшини жуда-жуда яхши кўраман.

Мен қуён йилида дунёга келганлигим учунни, қуён боқини ёқтираман. Ҳозир ҳам боқяпман. Олдин иккита қуёним бор эди. Уларнинг бири оқ, иккинчиси қора эди. Улар беда, сабзи, карам ва бошқа сабзатомларни ейшарди. Қуёнлар ҳар 40 кунда болалайди. Шунинг учун қуёнларимнинг сони ҳозирда 21 тага етган. Агар қуён боқин ниятингиз бўлсан, бемалол, тортинмасдан келаверинг. Янги йилга совға тариқасидаги бериб юбораман.

Фирдавс Давлатов,  
11 ёшда.

Мен ҳам ўз тенгдошларим қаторига баъзи нарсалардан, баланд жойлардан ва қоронғуликдан кўрқаман. Мен ҳам тез ҳаракат қиламан. Баъзи кунлари ўй вазифасини тайёрлаш эсимдан чиқиб қолади, шунда мактабга келиб, танаффусда қисқа вақт ишига бажариб оламан. Уйга келганимда лифт юқори қаватларда бўлсан, уни кутуб ўтирмаётман, пиёда зинадан чиқиб кетавераман. Аммо, қуёнларга ўхшаб тез югура олмайман. Мен қуён йилини ҳосиятли йил деб ўйлайман.

Азиза Рустамбекова,  
11 ёшда.

Суҳифани 300-лицей-мактабнинг  
9 - "А" синф ўқувчилари  
Нигора ЮСУПОВА ва  
Феруза МУЯССАРОВАлар тайёрлади.

## ЙИГЛАТУВЧИ ПИЁЗЛАР



Сиз кун бүйін йиглатынгизга ишонализми? Ҳар бир күз очиб юмганингизда йиглайсиз. Бунга сабаб иккала күзимиз чеккаладыраңда ёш ишлаб чиқарады. Ҳар киприк қоқжанымизда ёғ безларидан оз міңдерда сүюқлик ажраби чиқарады. Биз уни күз ёши деймиз.

Оддий, одаттый ҳолатларда бу суюқлик биргина вазифаны бажарады: у күзимиз атрофи куриб қолмаслиги учун уни хұллаб турады. Мабодо, күзимизга бирор нарса тушудек бўлса, қовоғимиз беихтиер ёпилиб, ёш пайдо бўлади. Бу ёш күзни ювиш ва ҳимоялашга хизмат қиласди.

Агар тутунда қолсак ҳам күзимиз ачишади. Худди шунингдек, пиёз ҳам бевосита таъсир қилювчи модда ҳисобланади. Пиёз таркибида сульфатлар таркибига киравчы ёғ бор. У пиёзга ўткір ҳид ва таъсир қилювчи жиҳатлар беради.

Рус тилидан  
М.МИРСОЛОТОВА  
таржималари.


## ОЛТИНЧИ ТҮЙІЗ

Күриш, эшитиш, таъм билиш, сезиш, ҳид билиш орқали биз ўзимизни ўраб турган дунёни қабул қиласиз. Бу түйгулар орқали миямиз қаерда турганимиз, нима қилаёттанимиз, ўзимизни қандай ҳис қилаёттанимизу атрофимизда нималар бўлаётгани ҳақида ахборот олади. Тасаввур қилинг-а, шу түйгулардан маҳруммиз. Үнда ҳаётимиз ўсимликлар ҳаётидан мутлақо қилмай қолар эди. Бугунги кунда олимлар

бу беш түйгудан-да устун бўлган олтинчи түйғу устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Олтинчи түйғу - экстрасенсорли идрок қилиш. Масалан, бир-бираидан мутлақо бехабар, ўнлаб километр узоқлиқдаги икки киши бир вақтнинг ўзида бир нарсани бир хил ўйлаб, фикрлади. Ёки бир одам бошқа бирорни нима ўйлаёттанини айтиб беради. Бу фикрлар информацияси узатилишидан келиб чиқса керак.



## ҚОНХҮР КЎРШАПАЛАКЛАР



Атрофга қоронғу тушди дегунча деярли барча қушлар құним топади. Биргина қўршапалак... У зумда кишига ҳужум қиласи даражада шиддат билан одамга яқын учиб ўтади. Ва бу ҳолат жуда кўп тақорланади. Болалигимиздан бувилар бу ёмон қуш, уни кўрсанг қоч. Агар одамнинг бошига ёпишиб олса, чиқарип бўлмайди, тишлаб олади, - дея қайта-қайта уқтирадар эдилар. Ва яна нима учундир бу қушни бехосият қуш дейишиди.

Ҳақиқатан ҳам шундаймикан-а?

Олимлар текшириш ишлари олиб бориб, ҳалқимизнинг қари билганини - пари билмайди, деган нақдени яна бир бор исботладилар.

Кўршапалакларни ҳам қонхўрлар, деб аташади. Кўп одамлар улардан жуда ям қўрқади. Бир вақтлар Шарқий Европада вампирлар ҳақида жуда кўп афсоналар тарқалган.

Афсоналарга қўра, кўршапалакларга ўлган одамларнинг рухи кириб олар экан-да, ўлжаларига ташланиб, қон сўрар эмиш...

XVIII аср бошларида Жанубий ва Марказий Америка бўйлаб саёҳатта чиққан тадқиқотчиларни кўршапалаклар галаси таъқиб қиласди. Кўршапалаклар галаси уларни ўраб олади. Уй-уйларига эсон-омон қайтган сайдёхлар бўлган воқеани оқизмай-томизмай яқинларига сўзлаб берадилар. Афсоналар яна жонланди. Қонхўр кўршапалаклар фақат Марказий ва Жанубий Америкада яшайдилар. Уларнинг қаноти 30 см. Тана узунилиги 10 см.

У қонхўрлар одамларга ҳужум қилмас эканлар. Лекин жон-жон деб от, эчки ҳатто жўжа қонларини ичади. Баъзан улар ўзлари билмаган ҳолда ўлжаларини турли касалликларга дучор қиласди. Экинчиларни ўлжаларига ташланиб олади.

## ЯХШИ ДАМ ОЛИНГ

Үзингизга маълумки, ҳориган тана аъзоларимизни тетиклаштириш учун дам олиб, ухлаймиз. Лекин ухлашнинг ҳам меъёри бўлади. Кўпчилик учун саккиз соат ухлаш кифоя. Лекин турмуш тарзидан келиб чиқиб кимдир кўпроқ, кимдир камроқ ухлаши керак. Муҳими, ўзимизни яхши ҳис қилиш, яхши меҳнат қилишимиз учун қанча ҳордиқ чиқариш мумкин бўлса, шунча ухлашимиз лозим.

Уйқу ҳам ҳар хил бўлади: қаттиқ ва сергак уйқу. Киши сергак ётганида қаттиқ ухлаганида оладиган хордиқни ололмайди. Энг яххиси қисқа, қаттиқ уйқудир.

Искандар Зулқарнайн истаган вақт жуда қаттиқ уйқуга кетарди. Кунларнинг бирида муҳим жанглардан олдин у плашчини ерга ёзиб, уйқуга кетади. У шунчалик қаттиқ ором оладики, саркардан жангга кириш учун уч қайта уйготишга тўғри келади.

Одатда, биз ором олганимизда уйқу асабларимизни, тана ва миямизни ўраб олади. Лекин баъзан ё мия, ё тана ухлайди. Мисол учун чарчаган аскар марш пайти ухлаб қолиши мумкин, лекин шу вақтнинг ўзида унинг танаси тетик тураверади.



## ҲАЙВОНЛАР РАНГ БИЛАДИМИ?



Бу саволга жавоб топиш учун олимлар жуда кўп тажрибалар олиб боришиди. Натижаларга кўра баъзи ҳайвонлар умуман ранг ажратади олмаслиги маълум болди. Масалан, ари қизил рангни кора деб қабул қиласди. Акулда эса уму-

ман ранг ажратиш қобилияти йўқ. Бошқа балиқлар эса баъзи рангларни ажратади олар эканлар. Айтайлик, чўртсан қармоқча илинган ҳар хил рангдаги темир балиқчаларга интилади. Агарда аквариумда камалак ҳосил қилинса, балиқлар сариқ ва

яшил ранглар томон сузишади. Мушук эса олтига ранг, от эса атиги тўрт хил рангни фарқлайди. Маймунжонлар эса худди одамдек барча рангларни ажратади. Бу синаб ҳам кўрилган. Маймунларга эшикласи алоҳида бўлиб қўйилган шкафдан овқат олиб ейшини ўргатишган. Улар сира ҳам шкафнинг бошқа эшиклиярига яқинлашмай, бехато овқати бор шкаф эшикласи атрофида уймаланишган.

Олимлар худди шундай тажрибани товуқларда ҳам ўтказдилар. Натижаларга кўра улар камалакдаги барча рангларни кўрар эканлар. Кучулар эса, афуски, ранг ажратади олмас эканлар. Кўпгина майда ҳайвонлар ҳам ранг ажратиш хусусиятидан маҳрум эканлар. Бунга сабаб кўп ҳайвонлар кечкурун, рангларни ажратиш имконияти йўқ бўлган маҳалда овга чиқишиларида экан.

## ҚАДИМГИ ОДАМЛАР ҚАНАКА БЎЛГАН?

Дунёда энг қадимги одамлар излари Африка ва Осиё қитъаларидан топилган. Улар биздан ярим миллион йил аввал яшаб ўтганлар.

Сақланиб қолган скелетлари асосида уларнинг қиёфалари яратилган.

Қадимги одамлар сиз билан биздан кескин фарқ қилган, кўриниши йирик маймунларга ўхшаган бўлган (шунинг учун ҳам дарвинизм одам маймундан келиб чиқсан деб даъво қиласди!). Улар тўрт оёқлаб юрганлар. Мабодо икки оёқлаб юришга тўғри келса, одинга жуда энкайиб қадам ташлашган. Унинг кейинчалик қўлга айланган икки оёғи тиззасигача чўзилган. Бу қўллар эркин ҳаракат қилган, одий ишларни бажарган.

Бу одамлар тошларнинг

бир томонини йўниб, ўзларига қуроллар ясашган. Тош чўқмормаларда овлаб келтирилган ҳайвон терисини шилиш, ёғоч таёқ ясаш, суюк майдалаш мумкин эди.

Уларнинг пешоналари паст ва нишоб бўлган. Мияси катта, оғир эди. Қадимги одам гапира олмас, фақат айрим товушларни чиқара оларди. Барibir қадимги одам ўз замонидаги йиртқичлардан ожиз эди, шунинг учун у йиртқичларнинг ўткір тирноқли улкан чангалида нобуд бўларди.

Шунинг учун ҳам қадимги одамлар ўртача 20 йил яшар эдилар, холос. Йиртқичлардан омон қолган одамлар эса турли касалликлар оқибатида бевақт ўлиб кетардилар.



## ҮЙИН МАЙДОНЧАСИ

"ЁШ ИҚТІСОДЧИ" ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-йи, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).


Мулокот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейжер: (088) 30-13

### Қийшик құзгулар үйингоҳыда

Құзгулар ичидә  
икітісасы нотүргі  
акс күрсатаяпты.

Күчада об-ҳаво  
қандай?  
Синчиклаб қаранг:  
ташриф  
буоргандарнинг  
жисмлари об-  
ҳавога түғри  
келмайды.

Қайси икита рамка  
бир хилда?




### ОИЛАВИЙ АЛЬБОМ

Биргаликда  
оилави  
суратларни  
томоша қилишга  
німа етсін.  
Бирок, мазкур түрт  
суратларда бир  
нечтадан бұлғы  
етишмаяпты. Мос  
бұлакларни топинг  
ва уларни жойига  
қүйинг.

Суратлардан  
Дональд чизган  
манзараларни ҳам  
топинг.

Қайси жисмлар  
ҳамма суратда  
мавжуд?



# ОПАЛАНИ КҮРГАН БОРМИ?

Болалигингизда: «Енгөк дарахтида опала яшайды, яқин юрманг, саратонда, чошгоҳда ҳам айниқса!» — деб күркитишгани ёдингиздами?.

1962 йили Белоруссия ўрмонларида ҳарбий хизматда булғанман.

Сирли ўрмон! Айниқса қаридуб-чанг зор дарахтлари орасида ўзга бир мұжизали олам бордек.

Полқа ўзбек йигитлари эди. Соқчилукнинг буш соатларыда опалалар ҳақида сұзлашардик.

Тунда, айниқса, соат бирдан утчача ёки учдан бешгана соқчилук қилиш оғир. Ўйқубосади, оёқларын тош осиб қўйгандек, кўзлар юмилиб кетади, тан караҳт. Бир куни тунги соат бирда соқчилукни алмаштиргани келган йигитта ҳазиллашдим.

— Ҳов анови дуб тепасида ярим соатдан кейин яланғоч опала чиқиб пастки бутоққа ўлтириб олади-да, олтин тароқ билан узун сочи ни тарайди.

— Йўғ-эй.

— Узинг кўрасан, яна гап отиб ўлтирма. Чакирса ҳам олдига борма, орқасидан тўнка ажина чиқади-да, тўқмоқ билан уради.

— Алдаяпсиз.

— Ишонмасанг кўрасан, дарахтнинг тагида кўлмакка қараб соч тарайди.

Кўзим илинганди.

дир туртиб ўйғотди. Не кўз билан қарайки, ҳалиги йигитнинг юзи бўртиб, лаби қишишайиб қолибди.

— Ҳусан aka не бўлди?

— О-о-опала чиқди.

— Ёлғон, ҳазиллашдим. Опала чиқса сенга ишониб постни ташлаб кетармидим, ётиб олардим-ку.

— О-о-опала...

Уни санчастга олиб кетишиди...

Ҳаёлотми ҳақиқатми? Болалигимда холамнинг қизини тўпини пешинда трамвай йўлига тепиб юборганимда ўзи тушиб олиб чиқсанда унинг ҳам лаби қишишайиб қолган эди. Дуолар ўқишигандага тузалган эди.

Санчастга бориб «Калимаи шаҳодат»ни билганимча ўқидим. Лаби озгина тўғри булиб хизматни адо қилиб кетди.

Ярим йил ўтгач яна қизик бир воқеа рўй берди. Полқдан уч километр нарида «От противогаз»лар омборида соқчи бўлдим. Кечаси бориб ётиб келаман. Омбор ўрмоннинг қалин ерида. Бир куни яшин чақиб ёмғир шаррос қуярди.

Ярим ўйқудаман. Дераза тақиљагандек бўлди. Қишлоқда танишган гўзал қиз Ева кўринди. Қўзимга ишонмайман. Эшик тарақлаб очиби шамол ила оппоқ кўйлакда Ева кириб келди. Қўлимдан ушлади, ташқарига чиқдим. Шамол, ёмғир шаррос қуярди. Камина қизга стак-

ланиб қайинзорга келиб қолдим.

Яшин чақнади. Қиз эса ярқ этган ёргу ила дарахтга сингиб кетди. Даҳшатда қотдим. Тушимми, ўнгимми? Унгим. Ёмғир ички кўйлакларимга ҳам ўтиб кетган. Орқамга қоқилиб-суқилиб омборхона эшигига келсам ёпиқ. Эшикни тепиб тепасини синдириб илгагини очиб ичкарига кирдим. Сунг ёғоч ўриндиққа ўзимни ташлаб бошимни ўраб олдим.

Қўзимни очсан қуёш ҳам чиқмаган. Ёмғир тиниб булбуллар сайраяпти. Кийим жиққа хўл, бошим ёрилиб кетадиган даражада. Иситмам кўтарилиганди. Омборга ўтсам катта эшик ланг очиқ... Полкка келдим.. Фарғоналик таниш тиббиёт хизматчиши ҳароратимни ўлчади.

— Кечаси қишлоққа бориши керак эмас. Ёмғирда ивиб кетибсан, деди у. Давосини қиласиз. Капитан уришмаса бўлди. Хуллас, иккни норма спирт бераман. Ечиниб ётдим. Бир кечакундуз дегандага бироз ўзимга келдим.

Биродарлар, олам сирли воқеаларга тұла. Сиз ҳам ажабтовур ажина ёки опалаларга дуч келган бўлсангиз, ёзиб юборинг. Шахсан мен опаладан интервью оламан, қалам ҳақини арра қиласиз.

Акбар ЮНУСОВ.



Хамид НОРКУЛОВ

Болалар, Ҳамид акангиз Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Тошкент давлат педагогика университетини тутатган. «Умрранги» ва «Ойдин ниятлар» шеърий китобларининг муаллифи. 1979-1980 йилларда «Тонг юлдузи» («Ленин учкунни») газетасида ишлаган. Демак, сизларнинг ўй-хаёлингиз, оруннинглариниз билан ёниб яшаган. Ҳозир Ўрта Чирчиқ туман газетасида бош муҳаррир. Қўйида ижодкор асаридан парча ўқинг ва холоса чиқаринг.



I

Қадим ўтган замонда,  
Юрт Самарқанд томонда,  
Каттакон тўй бўлибди,  
Тўйга одам тўлибди.  
Чодир-ўтов тикилган,  
Фазлу эҳсон тўкилган.  
Машойхлар бу томон,  
Хунар аҳли у томон...  
Тўйга келди Темур бобо,  
Ваъдасига қилиб вафо.

VI

Хунар аҳли ясаганин,  
Маҳорат-ла безаганин,  
Олиб келиб қўяверди,  
Голибликни туюверди.  
Абдулборий, буни қаранг,  
Қамиш чўпни тортиб таранг,  
Ундан сипоҳ — жангчи ясаб,  
Ҳатто қурол билан безаб,  
Ҳаммани лол қолдирди у,  
Минг хил ўйга толдирди у.

VII

Темур бобо уни кўриб,  
Бирдан сапчиб кетди туриб,  
Қараб аста чапга, ўнга,  
Қўл узатди сўнгра унга.  
Даст кўтариб олди срдан,  
Эл сесканиб кетди бирдан.  
Чор атрофга кўз ташлади,  
Чертиб-чертуб сўз бошлади:  
— Темур сўзим, ҳунарли ҳалқ,  
Замон, қанча қалқима, қалқ,  
Бу дунёда хор бўлмайди,  
Ҳеч нарсага зор бўлмайди.  
Тарих тўлиб бораверар,  
Ўлим ортдан юраверар,  
Омон бўлар ҳунарли эл,  
Элим, қани, берироқ кел.  
Бошдан оёқ сарпо қилинг,  
Бу болани голиб билинг,  
Қандай эл деб айтишганда,  
Юртни кўриб қайтишганда,  
Ҳунари бор, боласи бор,  
Чеккасида лоласи бор,  
Деб болани кўрсатинглар,  
Айттанларим эслатинглар.

IV

Кўпчиликнинг орасида,  
Катталарнинг қорасида,  
Битта бола қамиш тутиб,  
Кимларданdir оқ ўйлутиб,  
Термулади отасига,  
Ёлворади онасига,  
Бир имдотни кутар эди,  
Шиддатини ютар эди.  
Абдулборий эди исми,  
Келишгандир бўйи, жисми.  
Сал озгина қайсар эди,  
Беллашаман мен ҳам, деди.

V

Ҳунармандлар иши қизгин,  
Гёй ишдан қочган тизгин,

Катта жомадоним бор. Олдинлари унда келинлик сарпопарим сақланарди. Кейинроқ фарзандларимга олган кийим-кечакларимнинг энг асллари жойланди. Мен учун қадрдан булиб қолган бу жомадондан бугунги кундан ноеб кассеталар урин олган.

Мен бу кассеталарни Узбекистон Радиосидай қадрдан ва мұтабар даргоҳда ишлаб юрган пайтларимда, түгриғиге тингловичларнинг бизига йўллаган савол-жавоблари сабаб йиққанман.

«Болалик-поштолик» дейишгани рост экан. Бола пок, бегубор, софил.

1980 йилнинг баҳори эди. Бир куни биз хизмат қилаёттан «Болалар ва усмирилар» бош мұхарририятiga сурхондарёлик қизчадан мактуб келди.

«Ассалому алайкум, ҳурматли ижодкорлар! Мен эфир тұлқынлари орқали ўзимни қызықтирган саволларимга жавоб олишини истайман. Илтимос, хатим жавобсиз қолмасин...

1. «Инсон орзу қылмаган касбни эгаллаб баҳтли бўлини мумкини?».

2. Мен кўпинча орзу қиласман, хаёл суреваман.

Булашининг бир-биридан фарқи борми?.. Иннайкейин... хаёл суришим ёмон эмасми?».

Деновлик Хуршида Раҳмонованинг бироз чүчиди, бироз ҳижод булиб ёзган хатини үқидими уйланиб қолдим.

Чиндан ҳам, инсон узи орзу қылмаган касбни эгаллаб баҳтли булиши мумкини? Шу саволни узимга бериб кургандим, хаёл кизимнинг болаликдаги орзуим-журналист була-ман деб қатъий мақсад қўйганим, адабиёт

## МЕНИНГ НОЁБ ҲАЗИНАМ

тутарагига қатнашганларим, устозимиз Қудус Мұхаммадий, Құдрат Ҳикматлар билан Ойбек, Гафур Гуломларнинг хонадонига борганимиз эсмiga тушиб кетди.

Хуршидларинг мактуби бир ҳафтагача иш столимда турди. Менинг бу саволимга ким жавоб бериси мумкин? Мактубни кимга олиб борсам экан?, деб үйлардим. Охири тутун ечили. Бунга фақат Асқад Мұхтор жавоб бера олади леб ишондим. Ва улар хизмат қилаёттан «Гулистон» журналига сим қоқдим. Асқад ака билан саломлашгач, болалардан хат күп келинши, айниқса, бир кизимнинг саволига тезда жавоб бериси миз зарурлитетини айтдим.

— Яхши... қизчанинг саволлари нима экан? Мен ёзib оламан, — дедилар Асқад Мұхтор телефонда...

— Мен ўзим... ҳозир саволларни олиб бораман...

Шундай дедим, ёзувчининг олдига қанот boglab учдим. Асқад Мұхтор жуда самимий, яхши одам эканлар. Мен уларнинг асарларини куп уқиб учрашувларда гаплашган булсам-да, бу сафар янайам күпроқ билдим. Хуллас, орадан уч-түрт кун ўтди. Студияда эшиттириш олиб бораёттан эдим, устозимиз Азиз Еқубов хурсанд булиб кириб келдилар:

— Ҳафизахон, қани репортёрни олинг... Сизин Асқад Мұхтор кутагитилар.

— Ҳозир... ҳозир... Азиз ака... озигина колди, шуни уқиб олай.

Эшиттириш тутаси биланоқ «Гулистон» журналига бордим.

ридан ёзувчи куринди...

— Ассалому алайкум...

— Ваалайкум ассалом... қани марҳамат...

Қисқа сұхбат давомида мен болалардан күп мактуб келишини, ҳаммаси ҳам хатларига жавоб олишини исташларини айтib утдим...

— Болалар ёзган биттаям хат жавобсиз қолмасин... Чунки бола хатни кутига тапшлаган куандай жавоб кугати. Бу ҳақда ўртоқларига айтib ҳам күяди. Борди-ю... мактуби жавобсиз қолса-я? Бопи эгилади, кўнгли синади. Шуннинг учун ...мен тўғриси, менга қўнгироқ қылтанингиздан хурсанд бўлдим. Ҳеч қачон болалар саволига бефарқ қараманглар, ҳўмни?

Шундай қилиб 1980 йилнинг 18 марта да ёзувчи билан булған сұхбатимиз радио тұлқынларни орқали янгради. Мана уша сұхбат...

— Қызалогим Хуршидахон жуда қызын савол билан мурожаат қилиди. Яъни, орзу қылмаган касбни эгаллаш... мумкини?

Қизик... орзу қылмаган касбни эгаллаш. Йўқ, бу бизнинг турмуш тарзимизга мос эмас. Негаки... уз касбни севган одамгина унум билан меҳнат қиласи. Лекин, шуниси ҳам борки, касбнинг шарафи одамнинг узига боғлиқ.

Мана бизда нахтакорлик касби... машҳур ва мұтабар касб. Албатта, болаларнинг саволи бироз қишини туюлади, лекин күн нарсаларни ўлашта, күн катта гапларни гапиришга асос бўляти.

Демак, орзу қылтани касбни эгаллаш, севган касбда ишлап самаралироқ. Шу билан бирга касбнинг шарафини кўтарадиган яна одамнинг

## Ҳамиша уйғок хотира

ўзи. Мен Хуршидахага шуларни айттим келди.

— Хуршидахон, эди иккичи саволиниңизга келсак... орзу ҳам яхши, хаёл ҳам яхши. Гап буларнинг бир-биридан фарқини билишида эмас. Уларга униси бундай деб таъриф беринда ҳам эмас.

Сиз хаёл сурар экансиз, орзу қылар экансиз, бу жуда яхши. Орзу — инсонни олдинга уйлайдиган байроқ дейин мумкин. Одам хаёл ҳам сурар билиши керак. Ҳаёлсиз, ўйсиз шумшайб юргандан кўра ажойиб-ажойиб хаёлларга тўлиб-тошиб юришга не етсин!

Ҳар қандай хаёлда ҳам ўйлаб қарасангиз қандайдир бир ҳақиқат, келажакнинг ёрқин бир шуласи бўлади. Албатта ҳом хаёл қилинг, демокчи эмасман. Лекин тўғрисини айтсан, мен хаёлшараст болаларни яхши кўраман.

Қизим Хуршида, сенинг саволларинига жавобим шу. Нурли мўъжизалар ҳақида ўйлаб, шу ҳақда китоблар ўқиб, орзу-хаёлларга тўлиб юр, орзу-хаёлларнинг ушалсин, сенга тилагим шу!

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, севимли ёзувчи Асқад Мұхторнинг сурхондарёлик қизчанинг саволларига берган жавоблари жуда күп тингловичларни қизиқиши ўйғотди. Уларнинг номидаги жуда күп мактублар, раҳматномалар келди. Шу баҳона яна кўплаб саводларга жавоб олдим.

Буунгич кунда «Ноёб ҳазина» деб атаганин жамадонимда ана шундай асл инсонлар билан булған сұхбатларим мұхрланған кассаталар сақланади. Орадан йиллар утаяти... дарор узгаришти... аммо ёзувчи Асқад Мұхторнинг симимий сұхбати хотирдан учмайди.

**Хафизахон ҲАЙИТМЕТОВА.**



## ОЙНАИ ЖАХОН БОЛАЛАРГА

**СЕШАНБА, 29 декабрь.**

**Ўз. ТВ. 1**

10.25. Янги алифбони урганамиз.

11.20. Билимлар байрами.

18.10. «Алифбе байрами».

20.15. «Оқшом эртаклари».

21.05. Акс-садо.

**Ўз. ТВ. 3**

18.10. Болалар учун «Энди эртаклариди».

19.15. Табиат шифохонаси.

**Ўз. ТВ. 4**

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкин-тойлар!»

**ЧОРШАНБА, 30 декабрь**

**Ўз. ТВ. 1**

9.10. «Маржон»

9.45. «Қундуз амакининг қиссалари» Мультсериял.

10.05. «Ён, ён, арчажон!»

11.30. «Акс — садо».

12.55. Қундузги сеанс. «Еттинчи жин» бадий фильм.

18.10. «Омад юлдузи» төлеүйин.

20.10. «Оқшом эртаклари»

**Ўз. ТВ. 2**

18.10. «Янги авлод» студияси намойиш этади:

«Мульттомаша».

18.25. «Семурғ» усмирилар учун ахборот-қунгилочар дастур.

**Ўз. ТВ. 3**

18.10. «Ерілтош» мульттуплам.

21.05. «Юлдузча»

**Ўз. ТВ. 4**

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкин-тойлар!»

**ПАЙШАНБА, 31 декабрь**

**Ўз. ТВ. 1**

8.55. «Қундуз амакининг қиссалари» мультсериял.

«Умид» намойиш этади:

«Мульттомаша».

11.20. «Ҳа — Ҳа — Ҳа!» Ҳаммага!

11.45. «Фламинго»

12.05. «Қувонч баҳш этиб» Янги йил дастури.

12.35. Қундузги сеанс. «Қор ма-ликаси» бадий фильм.

18.10. «Олтин тож» төлеүйин.

**Ўз. ТВ. 2**

18.15. «Янги йил саҳати»

**Ўз. ТВ. 3**

9.10. «Юлдузча» танлов дастури.

10.05. «Ерілтош» мульттуплам.

11.00. Болажонлар экранни.

18.00. «Ерілтош» мульттуплам.

**Ўз. ТВ. 4**

16.50. «Қувноқ сайд» фильм.

18.45. «12 ой» мультэртак.

19.45. «Аралаш»нинг энг янги сони.

22.20. «Мульжизалар майдонида»

10.00. «Болажонлар экранни.

11.00. «Бола бошидан»

12.00. Қундузги сеанс. «Ботма-

ган қуёш» бадий фильм.

13.40. «Қувноқ стартлар»

18.00. «Беш бармоқ» тележур-

нал.

20.05. «Оламга саҳат»

**Ўз. ТВ. 2**

9.00. «Янги авлод» студияси на-

мойиш этади. «Мультолам»

9.15. «Семурғ». усмирилар учун.

11.00. «Цирк, цирк, цирк...»

1

8

Эркин уйғониб кетди. Шунақа шөвқинки!.. Унинг олдилда момақалдироқ ҳеч нарсамас. Күзини очибоқ қулоғига бармоқларини тиқиши замон олдидаги айрим болаларнинг тик туриб, машина нинг олдига қараётгандарни күрди-ю, үзи ҳам дархол бурилди. Ҳа, рұпарада, шундок рұпарада... поезд турарди. Фаш-фаши этиб нафас олаётди. Шунақа баланд, қопқора...

Болаларнинг назарида, — киноларда күрганидек — вагон эшигиде шапқалы проводник ҳам күриниши лозим эди. Ушаны ізлаб қарапкан, бу — юк ташувчи поезд эканини англали: ҳа, ана баҳайбат сандык-дек вагонларга харі-өтөч ортилган. Жуда саржин қилиб... Мунча сассик!

Шунда вагонлар силенкини, «ғийқ-ғийқ» овоз чиқарып чап тараға жилиши. Сунгра уларнинг бош томонидан яна бояғидек шөвқин келди: увв! Эркин тамшаниб:

— Бури бүп кета-а... — деди. Шунда ёнидаги Ҳамидинг ҳам чимирилиб, Гулмуроднинг эса кафтлары билан қулоқларини ешиб турганини күрди. Башқалар ҳам шу каби ахволда эди. Аммо қызларнинг баъзилари бошларини эгиб-қўрқиб утиришар, айримлари угил болаларнинг елкасидан, билагидан маҳкам туттганча рұпарадан бало-қазо утаётгандек ҳайрат билан тикилишар эди. — Э, поез-ку бу-е, поез! — Эркин билагонлик қилиб, шу билан бирга узига ҳам уқтириб деди ва кузов ўртасида уйчан ҳолда тик турган Камтар Облокуловга тикилиб қолди: «Нимага қовоги солик? А-а, йулимиз туслугни учун... Ҳа-ҳа. Э, қаерга келдик үзи? Ғажиртоғ қани? Йўқ. Ҳа-а, анави тепалар — Қир-қизнинг давоми...»

Поезд «вап-вап-вап» этиб, тезлашиб утиб кетди. Кейин йулгина эмас, балки бутун олам очилди. Шунда машина ҳам жилиб, силенкини, поезднинг изларидан ўта бошлади. Унг қўлда таглиқка урнатилган «РАЗЪЕЗД» деган ёзув орқада қоларкан, Эркин корзина кутариб гизиллаб кетаётган иккита ўрис хотинни күрди, кейин эшакни яланоч миниб олган трусишан болани, кейин нариларда дийдираб турган ўрис дараҳтларга кузи тушди. Улардан нарида кукиши тошлардан ясалган ўйлар куринар, шу атрофдаги ер эса... оқ, яқинда қор ёғиб утгандек эди.

— Тавба, — деб (онаси Хосият опага үхшаб) қасини ушлади Эркин. — Қор ёғипти-ю, совуги йўқ... Э, Гулмурод, Жиндибулоқди күрганман, деб мақтаниб эдинт. Бу нима? Ун тукилиб қолганма? — шундай деб кулиб юборди.

— Туз-ку, Эркинжон, — деди қулини қулоғидан олган Гулмурод сузилиб. — Жерди тузи чиқиб ёғиди.

— Еб буладими?

Қизлар хиринглаб кулиши. Эркиннинг ўйқуси буткул учуб кеттан (унинг куз юмса, ухлаб қоладиган одати бор...), жуда ҳушшер эди. Кузовнинг туслиғидан ушлаб-ушлаб олдинга утаётган Камтар акага ғап отди:

— Домла, мундай тушунтириб бормайсизма? Ана поездни күрдик. Бу ерлар... мунча хунук!

— Разъезд-да, — деб қўйди Камтар ака. — Сенинг соя-

салқин районинг эмас. Э, ука, бу ердаги турмуш... — Пешонаси тиришганча кабинага етди. — Ишлайдилар, ухлайдилар, ейдилар... Бу бизга тўғри келмайди.

— Тўғри айтасиз, — деди Эркин уйламасдан. — Бу ерларда яшаб бўлмайди. — Шунда Назокат эсига тушиб кетди. Унинг қопини жаҳл билан тортиб, дарча ойнасидан қаради. Кирлаб кетган ойнадан ичкари куринмади. — Нозиклар яхши утириштима? — деб сўради Ҳамидин. — Мен ухлаб қопсан... — Сунг тухтосиз бақири: — Ҳой, муаллим, қаҷон етамиз Жиндибулоқ?

— Сен айт, — деди муаллим

риш бўлса... Бунақада одам зўр бўлмайди! Лекин унинг күнгли бўш — йиглоқи эмас, йўқ — меҳрибон у. Масалан, ҳазонлар ичидан топган олмасидан ҳам, ёнғоқми, урикми — ишқилиб, нима топса, Эркинга илинади: яъни, унинг улушкини олиб қўяди. Ҳасталаниб ётиб қолгандаям онасига: «Эркинга айтишинг...» дейди. Эркин бу гапни эшитиши ҳамон Пионердар қоидасининг «Дүстинг оғир кунга тушса, ёрдам бер» деган бандига риоя қилиб, айни чоғда ички бир ташвиши билан уни кўргани келади. Уни ҳам гоҳ «синглим», гоҳ «жияним» деб ахволини сўрайди. Агар тани

монинг уйи кўйсин. Не-не жигитларди комига жутти. Жўжаларди жетим қўлди», деб қарғаниб кетади, йифлайди ва Эркинни унугиб, масалан жўхоририпоядаги маъла сигирни эмаётган бузоқнинг орқасидан оқсоқланиб жўнайди: «Насибангди эмдинг-ку, ёмонлагур. Етимчамга қайишмайсанмана...»

9

Улар поезд изидан сал узоқлашиб, кейин яна унга ёнмаён булиб чузилган йулдан гизилаб кетишар, ҳар қалай, олдиндан эсаётган шабада кишига хуш ёқар, гоҳ-гоҳ йироқлаб кетган поезднинг тутунини олиб келар эди.

Ҳа, бу — жуда зерикарли ман-

## Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

# БҮРКИ

Гулмуродга.

Ҳали Камтар акага Ҳамидиндан шикоят қилганида, укишининг ҳам кулгани эсида экани:

— Ўзингизайтинг, сиз — муаллим-ку! — деди.

— Ўзим айтсам, Жиндибулоқ чегарасига кирдик, — деди Облокулов. — Ҳозир марказга борамиз... — Кейин кабина ёнидан энгашиб, шоғёрга бақири: — Штабни сў-ранг, штабни! — Кейин кабинадаги қизлардан ҳол сўради. — Техника-да, синглим, техника. Кўнглинг айни-

соғ бўлса-ю, бошқа бир сабаб билан, мисол учун бирон дарсни тайёрлай олмаган ёки оёқ кийими ишдан чиқсан бўлса, бурнини тортиб-тортиб, сабоғига кўмаклашади, калишини ямашга ҳаракат қилади; чиндан ёрдами тегмаслигини билса; шартта қўлидан судраб кетади.

Эркин унинг онасига неча марта дўқлаб айтган: «Дедломга тоширинг муни! Михдайтарбия беришади васпитателлар... Қанча отали-онали ба-



ган бўлса, айт...

— Назокатдиям сўранг, Назокатти, — деди Эркин. — Унинм кунгли нозик.

— Бу киши нозикликни қаёқдан билсин, — деб қўйди Гулмурод. Камтар ака энгашган кўй Назокатдан ҳам ахвол сўрай бошлади.

Назокатнинг Эркинларга қандайдир қариндошлиги бор. Унинг онасини Эркин гоҳ — «хола» дейди, гоҳ — «амма». Аммо қизчанинг ўзига суюнишини яхши билади. Бунинг устига, унинг касалвандлиги Эркинга таъсириклиди: кўп мартараб спорт билан шугуланишини, сахар туриб физкультура қилишини маслаҳат берган. Қайди! Бояғрида онасига эргашиб экинларни чўқилаш бўлса, мевали дараҳтларнинг тагида изгиб юриб ерга тушганларини этагига т-

лалар яшайшти у ерда... Ӯзимчи, ўзим? Э, хола, мазангиз йўқ. Жуда эски хотинсиз-да... Булмаса намоз ўқиётгандага худога айтинг, «қизимга шипо бер» денг... «Отасининг пенсияси нима бўлади? Менинг отам учун давлат берадиган пенсия энамди носига етмайди. Шунинг учун онам меҳнат қилади. Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат...»

Назокатнинг Эркиннинг жиддий туриб айтган гапларини майинлик билан тинглайди, йигитчанинг назарида, холоси «тушунгандек» бўлади, аммо кейин: «Ке, пешонангдан битта упай! деб упид олади-да, сунг: «Ҳамма гапларинг рост. Пақат шугуна бояни аяйман, холос...» дейди, сунгра одатдагича, «Гир-

зара эди: поезд йулнинг у ёғида уша сарғиш тизма узала тушиб ётар, энди у тобора баландлашар, аммо ҳамон занг босганга ухшарди. Йулнинг ўнг томонида эса оқиши-оқиши уйлар куриниб қолар, бошқа уйлар — барийойсув ёқилинган ҳамда томинга хирмон қилиб қандайдир бутоқлар босилган, уларнинг айрим жойлари оппоқ эдик, худди пага-пага мезонлар кўниб қолганга ухшар, чунки толалари осилиб туради.

— Муаллим, ху, Камтар ака, — деб бурчакда туриб қолган Облокуловни ўзига қаратди Эркин. — Анави томга босилган нарсалар... — Эслаб қолди. — Сукчак, а? Пилла қурти боқадими бу ерликлар? — Бошқа болалар ҳам домлага қарашди.

— Уларми, а-а, — деди Камтар ака. — Ғузапоя... Бу ерликларнинг утини. Кузда томларига, бостириларига кутиши. Ҳим, яхши ёнади. Таркибида мой моддаси бор-да. — Кейин Эркинга совуқ тикилди укиши. — Бултур «Батаника» дарсида утиб эдик-ку гузани?

— Ҳо-ю... гўзапоя деганингиз қизиқ-да! Домла, уқиши бошқа — куриш бошқа!

— Шундайми? — деб майигиди жилмайди Камтар ака. Кейин жиддий боши иргади. — Рост, куриш керак... — Кейин хўрсенинб, овозини бир парда кутарди. — Паҳтани билмаган ўзбек — ўзбек эмас, укалар. Унинг иши ҳар қанча қийин бўлмасин, билиш керак... Худога шукр, мана энди кўрасизлар.

Эркин Ҳамидинга ялт этиб қаради. Ҳамид унга кўз қисди. Гулмурод эса:

— Муаллим, сиз динга ишонаси-а? — деди. Кейин олдинга боқди. — Биламиз, ишонаси. Оғзингиздан худотушмайди. Худо олсин... — Кейинги гапи ҳар қанча паст айтинган бўлса ҳам, ҳаммага эштилди. Шунинг учун кўпгина кўзлар муаллимга сергаклик билан тикилди: нимагаки, мактабда (детдомда ҳам) «Худо йўқ. Бизлар атеистиз!» дейдилар, шунинг учун «худо»ни тилга олган ёки номоз ўқиганлар «эски одамлар» ҳисобланар эди.

Гулмурод бўлса биология уқитувчисини паққос «динчи»га чиқариб қўйди.

Кани, у қиши нима дер экан? Камтар ака ҳам «бесва»нинг «худо олсин» деганини эшитганди, албатта. Шунинг учун у кишидан Гулмуродга қаттиқ гапиришни кутиш мумкин эди.

## Киссаҳонлик

У қиши эса олдиндан кўз узмай анча пайт жим кетди:

— Нима десаларинг — деңглар. Аммо вақти келганда, менинг кимлигимниам билаб оласизлар, — деди.

— Вой, хата қилдимма, мўаллимжон? — деди Гулмурод ясама овоз билан.

— Йўқ-йўқ. Сен бор гапни айтдинг, — деди Камтар ака пинак бузмасдан. Сунгра туйкус Эркинга бурилиб қараб кулимсиради.

Эркиннинг миаси ҳам тез ишлаб турган эди. Камтар аканинг ялт этиб қараши ҳамон у кишининг Қирқсув билан боғлиқ сирни «айтиб берам» деганини эслаб қолдик, муаллимнинг табассум қўлди-да, кайфи жуда ҳам чоғ булиб кетди: бу сафар давомида кўп нарсаларни билиб олади у! Ҳа, мана, гузанинг поясини ҳам кўрди...

Машина ўнга бурилиб, оппоқ шўри чиқиб ётган майдондаги қорга ботган машина изларидек ёнмаён кетган сукмоққа тушди-да, вантиллаб кета бошлади. Унинг гидравликлари остида эзилаётган тузнинг гижир-гижир эштилади. Димоқка... аччиқ ва буғувчан ҳид урила бошлади, буни даствлаб Гулмурод сезди: қарғаниб, қандайдир попукли сарик рўмолча билан оғзини ёпиб олди. Эркин ҳам бир-икки тамшанди-ю, гулдираб олдинга боқди. Кейин кабина ойнасидан қарамоқчи бўлди, аммо ба-рибир ҳеч нарса кўринмаслиги утун узини тутиб қолиб:

— Эй, бу нима ўзи? — деб юборди кабина ёнига тагинг энгашиб шоғёрга гап уқтираётган Облокулога. — Ҳей, муаллим, н-нимага шур чиқиан? Ерданам шур чиқадима?

— Анави сувнинг таъсири бўлса керак, — деб орқага, демак, Қирқсув тизмасига ишора қўлди Ҳамид. Лекин у ҳам домлага зугум қўлди: — Нимага туз чиқиан, деб сўрашти, муаллим?

Қаддини кутариб олган Камтар ака:

— Ер ишдан чиқиан, — деди. — Ерости сувлари тепа-га кутарилган. — Сунг пешонаси тиришиб, шимол томонларга қараб давом этди: — Болалар, бизнинг тупрограмиз — кўп эски тупрок. Ер ағдари-лавериб, бир хил экин экила-вериб, дабдала бўлган. Ҳадеб бир хил овқат еган одам ҳам кусади-ку?

— Мен авқот жемаган бўлсам ҳам кўнглим айниятти, — деди Гулмурод.

Камтар ака ниҳоят унга жаҳз билин қаради.

— Бас, қитмилик қўлма. Сенга ярашсам... — Кейин яна йироқларга боқди. — Бу кетишида еримиз дабдала бўлади.

— Даб-да-ла? — Эркин анг

Мен адабиётни жуда-жуда ёқтираман. Буш вақтимни бадиий асар ўқиши, шеър ёд олиш билан утказаман. Бу машгулот менга чексиз завқ беради. Шунинг учун бўлса керак, келажда адабиёт муаллимаси бўлгим келади. Бу менинг ягона орзуим. Севимли газетам, мен бутунги иқтисодий жараённинг ўқитувчилар учун ҳам осон кечмаётганлигини биламан. Баъзи устозларнинг бозорларга чиқишига мажбур бўлганлигини ҳам, баъзиларнинг бу касбни «ҳар тутул ишсилидан сақлади»

## МУАЛЛИМ БЎЛГОҚЧИЛАД

қабилидаги ҳадиклар туфайли танлаганинги ҳам баъзиларнинг эса «Жон қийнамаса ҳам булаверадиган» касб дей танлаганини ҳам биламан. Мен ўқитувчиларнинг күпчилиги шундай демоқчи эмасман. Фидойи ўқитувчилар куп ва уларнинг ҳурмати қалбим тўрида. Донишманлардан бири айтган экан: «Агар ўқитувчи уз касбига фидони будса, демак у тарих олдиаги маъсулиятини хис қиляпти, демак у келажагини хавфдан куткаряпти, демак у охиратини куткаряпти». Бувижоним ҳам «Муаллимлик – охиратлик, оқибатлик касб» деб куп айтадилар. Бу йил мактабни тамомлаб олий ўкув юртларидан бирига кираман. Бунинг учун ҳозир астойдил тайёрланаямсан. Узимни шу касбга рӯҳан тайёрлаб бўлганман. Бошқа касбни хаслимга ҳам келтира олмайман. Билмадим, мен адабиётни севганимданни ёки адабиёт ўқи-

тувчимни ёмон кўрганимданми, шу қарорга келдим.

Севимли газетам, энди сенга дардимни айтмасам бўлмайди. Мен адабиётни қанчалик севмай, адабиёт дарсида зерикаман. Ўйкум келади. Шунинг учун ҳеч қачон бу фандан аъло баҳо олган эмасман. Ва албатта огоҳдантириш олмаган кунимни ҳам эслай олмайман. Айниқса, ўқитувчим тавсия қилган асадарни ўқишига қийналаман. Ўқий олмайман уларни. Ахир дарсликда берилмаган янги ҳикоя ва саргузашларни ўқигим келса, бу ўқитувчини ва фанин ҳурмат қил-

маслик дегани эмас-ку! Ҳа, мен адабиёт муаллимаси бўламан, албатта. Бироқ муаллимамга ўхшамаган, адабиётни БЕЗДИРИБ эмас, СЕВДИРИБ ургатадиган муалима бўламан. Менинг назаримда бу дарс бошқаларга нисбатан эркин булиш керак-ки, биз ўқивчилар ҳозирдан оқ эркин фикрлаш, эркин муносабат билдириш маданиятини ўрганийлик. Дарслар баҳсларга бой булишини истайман. Лекин, ЎҚИТУВЧИННИГ ФИКРИ СУНГИ ХУЛОСА БУЛИБ ҚОЛМАЙДИГАН МУНОЗАРА тарзида ўтишини хоҳлайман.

Хўш, тенгдош, замондош дустим! Адабиёт дарсларида зерикиб қолмаяпсанми? Умуман, дарслан, дарсликдан кўнглинг тўладими? Агар мактуб ёзишини истасанг, севимли газетамиз «Тонг ўлдузи»га ёзақол. Мен сени тинглагим келади, азиз тенгдошим!

РУҚИЯ,  
Бувайда тумани,  
Янгиқўғон қишлоғи.

## Оналар ёзади Энди менинг боламсан, Икромжон!

нинг билим чўққиларини эгалашларида барча имкониятлар мавжуд.

Лекин Икромга ухшаган болалар тақдири-чи? Уларнинг келажак олдиаги маъсулиятли вазифалари нималардан иборат экан?

Үндай саволлар ҳам Икромнинг ўйлари эмас, У фақат кун буйи машиналар тухташ жойига бориб олиб дуч келган амакидан пул сўрайди, кузига яхшироқ куринган амакилардан машинасида айлантириб келишларини илтинос қилиди. Қизиқ, эринмаган одамлар ҳам унинг гапини ерда қолдирмасдан озигина бўлса ҳам машиналарига чиқарадилар. Шу билан курсанд. Яна бозор атрофида айланниб юриб бир оз қандайдир пул ҳам ишлаб олади.

Кучага чиқдим дегунимча бу бекори болани курман.

— Мактабга бормайсанми?

— Йўқ, мен мактабда ўқимайман.

— Дустларинг, меҳрибон ўқитувчинг булишини хоҳлайсанми?

— Эй, нима қиламан, мактабга боришга ҳеч нарсам йўқ-ку!

Нимага, деб сурайман ундан. Ҳаммасини йириб ташлаганман. Мактабни ёмон кўраман — дейди у яна қайтариб.

Кейин билсан Икром тарбияси анча оғир бола экан. Онаси руҳий хаста, отаси йўқ экан. Кариндош-уруглари ҳам йўқ. Қунишнилар фарзандларини у билан уйнашга кўймас эканлар. Чунки унинг оғзидан ёмон гаплар куп чиқар экан.

Болалик, олис кетсанг ҳам осмон каби барibir тиник. Болаликнинг нур сочаётган ёѓуларида

ҳали бурон, селлар, қаҳратон қишлиари йўқ. Фақат тоза гулдек очи-либ-сочилигидан бўстонлари бор холос.

Юртбошимиз «Савоб ишни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак» деганларида бу хислат билан халқпарварлик, одамийлик тушунчаларига алоҳида аҳамият берганга ухшайдилар.

Шу ўринда бир савоб ишни қилган мудира опа чехрасини яна кургим келаверди. У ҳақиқий болалар мурраббийси.

Фарзанди йўқ вақтида туғурухонада онасиз қолган ҷақалоқни фарзандликка олади. Уз ўғли қаторида бу икки углини икки кузи деб вояға етказмоқда. Бизнинг юртимиз озод вабобод. Яхши одамлари ҳам бор. Сен каби кўчада қолган болаларга етарила шартшароитлари ҳам бор. Юртнинг мақсади ва орзулари ҳам. Келажак авлоднинг баркамол ва етук шахслар қилиб камол топтириш. Икромдек тарбияси қийин булиб қолган болалар жамиятнинг оғриқ азобига айланмаслиги учун уни бу ўйлдан қайтармок даркор. Мен Икромжон! Бунга — сенинг, ёнимда чопқиллаб бораётган болаликнинг мургак нигоҳлари гувоҳdir.

Дуне ўқиб тутатиб бўлмас тилсимларга бой нарса. Ер юзида яхшилик ва саҳоват бор экан, сенинг тарбиянг ҳам яхшилар қулида бўлади, Икромжон! Бунга — сенинг, ёнимда чопқиллаб бораётган болаликнинг мургак нигоҳлари гувоҳdir.

**Маъмура МАДРАХИМОВА.**

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

#### Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВLAT МАТБУОТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

### Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

#### ТАХРИР ХАЙЬАТИ:


Йўлдош САЙДЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙУЛДОШЕВА, Хотам АБДУРАИМОВ, Иккюлб юсупов, Даҳаон ёқубов, Иноят Абдусоатова, Суннатилла Қўзиев, Мукаррама МУРОДОВА, Феруза Одијова.

#### «ШИҚИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР.  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Равшан ҚАМБАРОВ,  
Маҳлиё МИРСОАТОВА,  
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

«Шарқ» нашиёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

кор



Егдим совуқ баҳона,  
Мен – қиши фаслини меҳмони,  
Меҳмон булиб келаман –  
Сизни хурсанд киламан.

Далаларни, кирларни  
Оппоқ ранта бўркайман.  
Болаларни ўлдиб этиб,  
Киши гапитини сургайман.

Дилдора ҚОСИМОВА,  
Самарқанд вилояти,  
Тойлок тўманидаги  
2-урта мақтабнинг  
6-«А» синф ўкувчиси.

### Мактублар қутиси

— Ойи, почтадагилар «Шундай газета ҳам бор эканми?» — деб, мени «Тонг ўлдузи»га обуна қилишмади, — дейа хафа булиб келди кичик ўғлим. Ҳайрон булиб қолдим. Чунки «Тонг ўлдузи» (аввалги «Ленин учқуни») газетасини ўқиш у ёқда турсин, болаларимизнинг республикада ягона бўлган газетаси билмайдиганлар ҳам бор келиб-келиб қулидан ларининг барчаси димларни-я!

Ҳа, эн-в о б  
ди болам ёш деб, қисқа жа-  
қилишандир-да, деб ўйлаб, поч-  
тага ўзим бордим. Лекин ҳақиқат-  
дан ҳам улар менга қараб слка қисиши:  
«Уч-турт кундан кейин хабар олинг, ани-  
лаб сўнг обуна қиламиш», — дейишиди. Ахир йил  
охирлаб қолган бўлса, обунага кечик масмиканмиз?  
деган ўй билан тарвузим қўлтиғимдан тушганча уйга қайтдим. Чунки менинг уч фарзандимнинг барчаси ўқувчи, шу газетанинг ашаддий мухчиси булиш билан биргаликда хат орқали мақолалар билан катнашиб ҳам турадилар-да.

Барно ОТАЖОНОВА,  
Тошкент вилояти,  
Зангиота туманидаги  
Улуғбек жамоа хўжалиги.

### БИЛАСИЗМИ?

Анаконда деган узунлиги 5—6 метрлик-илон 2 йилгача овқатланмасдан юра-вераркан.

Тошбақа тухумини қушларга ўхшаб бағрига босиб ётмасдан, тухумига тикилиб туриб, кўз нури билан ёритар экан.

Ален Бомер деган одам Атлант уммонини резинка қайиқ билан 65 кунда сузид ўтган.

Лондон шаҳрининг халқи 147 тилда сўзлашар экан. Шунинг учун ҳам Лондонни «Лингвистикалиқ Ва-вилон» дейишиди.

Париждаги Эйфел Минаретини қуришган курувчиликар ва безовчиларнинг майтини шу минора бошига қўйишган экан.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси,  
32-ий.  
• Нашр курслатичи: № 64563  
• Телефон:  
• 1-33-44-25  
• 1-36-57-91  
• 1-36-54-21

